

Маҳалла

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри

2009 йил 23 сентябрь. Чоршанба

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШИНING НАВҚИРОН АВЛОДИ

ТОШКЕНТдаги «Сағбон» спорт саройида кураш бўйича 13-14 ёшли ўғил ва қиз болалар ўртасида «Маҳалла» паҳлавонлари республика турнирининг финал мусобақалари бўлиб ўтди.



© фото-Носир Хайдаров

Барқамол авлод тарбияси. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан йил мобайнида ўтказиб келинаётган тадбирлар, учрашувлар, семинарларнинг бош мақсоди ҳам айнан ушбу масалага қаратилган. Ўтган тўққиз ой мобайнида тизимда ташкил этилган кўлаб тадбирларга республикамиз маҳаллаларида камол то-

паётган ёшлар оммавий жалб этилиши, бу соғлом авлодни тарбиялаш билан бирга, халқаро майдонлардаги мусобақа ва кўрик-танловларда ЎЗБЕКИСТОН шарафини ҳимоя этаётган Ватан фарзандларининг камолотига хизмат қилмоқда. «Маҳалла» паҳлавонлари», «Футбол» келажиги» анъанавий турнирлари ҳам маҳал-

ла тизимида барқамол авлод тарбияси йўлидаги хайрли ишларнинг ёрқин тисолидир.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ мамлакатимизда барқамол авлодни тарбиялаш давлат аҳамиятига молик устувор вазифа сифатида белгиланган эди. Ўтган йиллар мобайни-

да миллат генафондини соғломлаштириш, миллий гурурни тарбиялаш ва ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, фарзандларимизни ҳар хил ғоявий оқимлар таъсиридан асраш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

СПОРТ ВА ХАЛҚАРО ХАЁТ > 17

ҚАРОР ВА ИЖРО

ШУКРОНАЛИК ВА САҲОВАТ БАЙРАМИ

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқийсдир. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 16 сентябрда қабул қилинган «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига қўра, қўлуғ айём муносабати билан юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби пойтахтимизда ва Тошкент вилоятидаги маҳаллалар, Меҳрибонлик, Мурувват, Саҳоват уйлари, маҳсул мактаб-интернатларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий анъаналар, қадриятлар, урф-одатларни тиклаш, асраб-авайлаш, янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бордаги эзгу ишлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, айниқса, нурунийларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аниқ ва манзилли ижтимоий муҳофиза қилишдек хайрли тадбирлар билан ҳамроҳ тарзда олиб борилаётган.

Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати раҳбари, тиббиёт фанлари номзоиди Анвар Каримовнинг таъкидлашича, бу ерда бир юз элик беш нафар нуруний отахон ва онахон истиқомат қилади. Уларнинг саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш, мунгазам шифокорларнинг тиббий кўригидан ўтказиш, зарур тиббий муолажалар кўрсатиш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Малакали шифокорлар, ижтимоий хизмат мутахассислари уларнинг ҳолидан доимий хабардор.

Тадбирда нурунийларга дори-дармон, тиббиёт воситалари, байрам совғалари топширилди. Бадиий жамоалар иштирокида концерт намойиш этилди.

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар

шаҳарчасида талаба-ёшлар Рамазон ҳайити муносабати билан кенг кўламли ободонлаштириш ҳамда меҳр-мурувват, саҳоват тадбирларини ўтказдилар.

— Маҳалламизда олти мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. — дейди Собир Раҳимов туманидаги «Университет» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Малика Бобоқуллова. — Рамазон ҳайитида ёшларимиз кекса ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиб, моддий ва маънавий кўмак беришда фаол қатнашди. Байрам муносабати билан маҳалламиз ҳудудидан турар-жойлар, кўчалар тартибга келтирилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан бир гуруҳ ёшлар маҳалла фаоллари, нуруний отахон ва онахонлар билан бирга пойтахтимиздаги қабристонлар, кўчалар ва боғларда ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этди. Ёлғиз кексалар, ўзгалар кўмагига муҳтожлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатилди.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида ўтган ана шундай тадбирлардан бирида «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими томонидан кам таъминланган оилаларга байрам совғалари топширилди.

Тадбирда Рамазон ҳайитининг мазмун-моҳияти, халқимиз маънавий ҳаётида турган ўрни, аҳамияти хусусида сўз юритилди.

— Бундай хайрли тадбирларда ёшларнинг, айниқса, фаол иштирок этаётгани жуда қувонarli. — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими бошқаруви раиси Р.Шералиев. — Кўтаринки руҳда ўтаётган байрам одамларда меҳр-оқибат туйғуларини ва келажакка бўлган ишончнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

(ЎЗА)

САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

2009 йил 17 сентябрь кuni қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида»ги қарорига асосан 2009 йил 22 сентябрдан эътиборан Республика Марказий сайлов комиссияси иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов жорий йилнинг 27 декабрь кuni ўтказилиши лозим.

Бу йилги сайловларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштироки муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, йиғин мутасаддилари депутатликка муносиб номзодларни кўрсатишда кўмаклашиши, сайловчилар билан номзодларнинг учрашувлар ўтказиши учун жиҳозланган хоналар ажратиши, зарур шарт-шароитларни яратиб бериши керак.

Айтиш жоизки, Олий Мажлис, Қорақалпоғистон Республикаси Жуғорги Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг ваколат муддатлари тугаши муносабати билан ўтказилиши режалаштирилган ижтимоий-сиёсий тадбирда демократик тамойиллар устуворлиги-

ни таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётган. Хусусан, Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонун асосида қабул қилинган қарорда тенг ҳуқуқлиқка асосланган, демократик сайлов ўтказишнинг устувор йўналишлари аниқ белгилаб қўйилган. Унда ҳар бир фуқаронинг овоз бериш жараёнида иштирок этишини, сайловларнинг уюшқоқлик асосида, камчиликларсиз ўтишини таъминлаш мақсадида энг муҳим йўналишлар қатъий белгиланган.

Қарорда қайд этилганидек, сайловга

тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, жойларда тузилган сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари, сайлов тўғрисидаги қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил 12 майдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция қондаларига қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Шунингдек, қарорда сайлов ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларга ҳам аниқлик киритилган.

САЛОМАТМИСИЗ, МАҲАЛЛАДОШ?

ТИЗИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

МАМЛАКАТИМИЗ соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар миқёси кундан-кунга ривож топиб, чекка қишлоқлар аҳолиси ҳам замонавий тиббиёт ютуқларидан баҳраманд бўлмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2007 йилда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилдаги «Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмаси ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори жойларда ташкил этилган соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини яхшилашга хизмат қилаётган.

Жорий Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида чекка қишлоқ, овул ва маҳаллаларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг турмуши фаровонлашиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари замонавий анжомлар билан жиҳозланмоқда.

Ана шундай тиббий муассасалардан бири Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган «Иттифоқ» қишлоқ врачлик пунктидир. Мазкур давлош-профилактика маскани дастлабки тиббий-санитария ёрдами кўрсатишга мўлжалланган. Маъмур бино вилоят ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамда бир қатор ҳомий ташкилотлар ташаббуси билан бундан тўрт йил аввал капитал таъмирдан чиқарилган эди. Айни пайтда, бу ерда қатъий тартиб-интизом, саранжом-сарихталик ўрнатилган. Қишлоқ врачлик пункти



© фото-Носир Хайдаров

барча зарур коммуникация тармоқлари билан боғланган. Эмлаш хонаси, юкмули касалликлар, физиотерапия, лаборатория ва муолажа хоналарига

хориждан келтирилган замонавий тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилган.

ТАҲЛИЛ > 13

ОБУНА — 2010


АЗИЗ МУШТАРИЙ!

Маҳалла — ватан ичра кичик ватан. Унинг обод ва кўркамлиги, гўзаллиги юртимизнинг фаровонлиги ва тараққиётдан далолат. «Mahalla» газетаси шу «кичик ватан»нинг ҳаёти, қувончу ташвишлари, муаммоларини ўз саҳифаларида акс эттиради. Тахририятимиз аъзолари «Mahalla»ни аҳолимизнинг барча қатламлари, каттаю кичик севиб ўқийдиган газетасига айлантириш учун астойдил изланмоқдалар.

Янги 2010 йилда газетамиз саҳифаларида ўзингизни қизиқтирган барча мавзуларни топасиз. У сизнинг ақин дўстингиз ва самимий ҳамроҳингизга айланиб қолишига ишонамиз. Газетамиз йил давомида сизга ҳамфикр ва маслаҳаттўй бўлишини хоҳласангиз «Mahalla»га обуна бўлинг!



Нашр кўрсаткичи — 148.



БЎЛИНМАЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ЭРТАНГИ КУН ЭҒАЛАРИ

Жарқургон Сурхондарё вилоятидаги иқтисодиёти изчил ривожланиб бораётган йирик туманлардан. Ҳозирги кунда туман ҳудудда замонавий типда бунёд этилган тўқувчилик фабрикаси, заводлар, истиқболли лойиҳалар асосида ташкил этилган қўшма корхоналар, цехлар фаолият юритмоқда.

Яқин кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, қаришлар ҳамда ногиронларга мурувват ёрдамлари кўрсатилади. Бундай кенг қўламадаги ишларни амалга оширишда нуруний отахону онахонлар, айниқса, ёшларнинг иштироки ва ташаббуслари сезиларли бўлди.

— Асосий эътиборни ёшлар тарбиясига, маърифат ва маънавиятни юксалтиришга қаратаймиз, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлини раиси Баҳодир Абдуллаев. — Бу саъй-ҳаракатларимиз, ёшларни ишга жойлаштириш, уларни меҳнатга жалб этиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кўл келмоқда. Туманимиздаги барча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятида ўсмирлар, ёш оилалар билан ишлаш, улар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш изчил йўлга қўйилган.

Ўрни келганда таъкидлаб ўтиш жоизки, болалар ҳамда ўсмирлар билан бир неча йўналишлар ва мақсадли режалар асосида иш юритаётганимиз туфайли яқин натижаларга эришдик. Оқсоқоллар, ҳомийлар ва фаоллар кўмагидан ўринли фойдаланяпти. Жумладан, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун касб-ҳунарга ўргатишга йўналтирилган «уста-шоғирд» йўналиши кенг жорий этилган. Бу йилда иш билан таъминланди. Айни пайтда, туманимиздаги Навоий, Н.Боймуродов, Улугбек, У.Худойбердиев номидаги, «Дўстлик», «Наврўз», «Соқчи», «Пахтазавод», «Янгиобод», «Марказий» маҳаллаларида ҳам 60 нафарга яқин ёшлар пазандалик, уй ҳамшираси, компьютер оператори курсларида ўқинмоқда. Таълим муассасаларида таҳсил олаётган кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар фарзандлари, ногиронлар учун «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлини раиси томонидан шартнома пуллари тўланапти. Ёшлар иштирокидаги тўйлар, оилавий, ёшларнинг тарбиясини яхшилашга қаратилган тадбирлар тез-тез ўтказилади. Бу борада бизга тегишли идоралар, ҳомий ташкилотлар, саховатпеша инсонлар ҳаминша кўмакдош.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман миқёсида 161 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Тураржойлар атрофлари, маҳалла кўчалари четларида 63 минг тонна гул кўчатлари, 30 мингга яқин меваги, 26 мингдан ортиқ манзарали дарахт ниҳоллари экилди. Бундан ташқари, 111 мингга дарахт шакл берилди, 163 километр узунликдаги ариқ ва латоклар тозаланди, 420 тонна маийши ва куришли чiqиндилари чиқарилди. Ўнлаб болалар ўйин майдончалари, хиёбонлар, гузарлар тартибга келтирилди. Қувонарлиси, ҳашар йўли билан 2 минг 100 кв.м. ҳажмдаги уй-жойлар сифатли таъмирдан чиқарилди. Туман бўйича олти минг нафарга

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Mahalla» мухбири.

Ёлгор АШУРОВ, «Mahalla» мухбири.

ТИЗИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

< [1]

Туманимизда жами 16 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатапти, — дейди мазкур врачлик пункти мудири Ақида Ахрорқўжаева. — Аҳолининг 3700 нафардан зиёдини 14 ёшгача бўлган болалар, 800 нафарга яқинини ўсмирлар, 3 минг нафардан ортигини туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади. Уларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш асосий вазифамиз. Бизга мурожаат қилган беморларга замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида тулиқ ва аниқ ташхис қўйиш имкониятига эгадиз. Беморларни текширувдан ўтказиш учун етарли шарт-шароитлар мавжуд. Айрим ҳолларда камқонлик, қандли диабет, индеемит бўқоқ, қизамиқ, ўткир ичак касаллиги ҳамда гриппдан шикоят қилган беморлар ҳам учраб туради. Бундай хасталикларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир хонадонда мунтазам равишда шифокор ва ҳамширалар назорати йўлга қўйилган.

Худудимиздаги мавжуд мактаб, мактабгача таълим муассасалари ва касб-хунара коллежлари ҳам ҳамширалар бириктирилган. Ўқувчи-ёшлар доимо шифокор ва ҳамширалар назоратида. Айни кунларда касалликларни даволаш билан бирга, асосий эътиборни унинг олдини олиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда тиббий саводхонликни оширишга қаратаймиз. Маҳаллаларга бириктирилган врач ва ҳамширалар, туман хотин-қизлар кўмитаси, Тиббиёт бирлашмаси, Саломатлик маркази ҳамда йиғин мутасаддилари ҳамкорлигида туғиш ёшидаги аёллар, вояга етмаган ўсмир қизлар ўртасида санитария тарғиботи ва тушунтириш ишлари йўлга қўйилгани, шунингдек, маънавий соғлом муҳитни шакллантиришга қаратилган «Соғлом оила — бахтли оила», «Репродуктив саломатлик ва соғлом оила», «Тиббий кўрик — саломатлик гарови» каби мавзулардаги тадбир, давра суҳбатлари, очик мулоқотлар ўтказиб борилаётгани натижасида ўтган беш йил мобайнида оналар ва болалар ўлими қайд этилмади. Президентимизнинг шу йили 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Маҳаллаларда беморлар сонининг кескин камайиши, касалликка чалинган инсонларга сифатли ёрдам кўрсатишда ҳамшираларнинг ўрни беқиёс. Зеро, улар инсонларнинг саломатлиги учун доим масъул, жавобгардир. — «Иттифок» қишлоқ врачлик пунктида жами 23 нафар ҳамшира ишлайди, — дейди олий тоифали ҳамшира Гузал Тожибоева. — Улар ҳар бир оиланинг турмуш шароитини яхши билишади. Айниқса, ёш келинлар ўзларини ҳамда фарзандларини қийнаётган айрим муаммолар ҳақида ҳамширалар билан уй шароитида бемалол суҳбатлашади ва керакли маслаҳатларни олади. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида юртимизда фаолият олиб бораётган «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида ҳамшираларимиз «Репродуктив саломатлик ва бехатар оналик» мавзусидаги ўқув-семинарларда фаол иштирок этишга тайёр.

Муассасада яратилган қулайликлардан қишлоқ аҳли ҳам мамнун. — Оиламиз катта, фарзандларим, келинларим, набираларим соғлом ва бақувват, — дейди Маглуба она Мирҳожиева. — Уларнинг саломатлигини ҳамшира ва олий тоифали врачлар доим назорат қилиб туришади. Набираларимни вақтида эмлаш учун олинган оғоҳлантиришди. Врачлик пунктининг ҳамшира ва шифокорларидан ҳаммамиз миннатдоримиз. Бу ерда ўз вақтида сурункали касалликларга чалинган беморлар патронажини ташкил этиш, оилаларда энг кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш бўйича хизмат кўрсатиш, шунингдек, тиббий маслаҳатлар бериш ва ўрнатилган доимий назорат туфайли аҳоли саломатлиги тикланмоқда.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Mahalla» мухбири.

ШАРҲ

МАМЛАКАТИМИЗДА чет эллик инвесторларга қулай шарт-шароитлар яратилгани боис иқтисодиётнинг турли тармоқларига киритилаётган хориз сармоялари микдори ортиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига 2008 йилда киритилган 1 миллиард 700 миллион АҚШ доллари микдоридagi инвестициянинг 74 фоизини тўридан-тўғри хориз инвестицияси ташкил этади. Жорий йилда эса мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиладиган хоризий инвестициялар ҳажмини 1 миллиард 800 миллион долларга етказиш режалаштирилган. Бунинг натижасида кўплаб янги ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилиб, борлари техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилинади.

ИНВЕСТИТОРЛАР МАСЪУЛИЯТИ ОШАДИ

Айтиш керакки, истиқлол йилларида мамлакатимиз ҳудудларида ери ости бойликлари, конларини аниқлаш ва қидириш, фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш, жумладан, техноген минерал ҳосилалардан фойдали қазилмаларни ажратиб олиш ва уларни қайта ишлашни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг амалиёти ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакатимизда бу тармоқда чет эл инвесторларига қулай шарт-шароитларнинг яратилиши натижасида тармоқда хоризий инвестициялар кўпайди. Лекин жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини юмшатиш чора-дастури мазкур тармоқда фаолият юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солишни солиқ механизми орқали янада такомиллаштиришни тақозо этади. Президентимизнинг 2009 йил 26 мартдаги «Маҳсулот тақсимотида оид битим доирасида амалга оширилган фаолиятни солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони битим доирасида фаолият кўрсатилган ери ости бойликларидан фойдаланувчиларни солиққа тортиш тизимини ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш йўллари белгилаб берди. Мазкур фармон ижросини таъмин-

лаш ҳамда хоризий ва маҳаллий солиқ тўловчилар учун шарт-шароитларни бириктириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 256-моддасига ўзгартириш ва қўшимча киритилди. Маҳсулот тақсимотида оид битим бўйича фаолият юритувчиларни солиққа тортиш тизимининг такомиллаштирилиши эса, ўз навбатида, бюджет даромадларининг ўсиши ва тармоқда фаолият юритувчилар учун бир хил рақобат муҳити яратилишига хизмат қилади. Амадаги солиқ солиш тартибига мувофиқ эса чет эллик инвестор бошқа тартиб билан, маҳаллий корхона бошқа тартиб ва ставкада солиқ тўловчи ҳисобланар эди. Мамлакатимиз табиий ресурслар ва менерал хомашёларга бой бўлиб, ундан мақсадли ва самарали фойдаланиш иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган омиллардан. Шу сабабли Солиқ кодексининг 256-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимча мамлакатимиз табиий бойликларини талон-тарож қилишнинг олдини олади ҳамда улардан оқилона фойдаланишни солиқ механизми ёрдамида тартибга солиб, хоризий инвесторларнинг бу борадаги масъулиятини оширади. Баҳодир ИСРОИЛОВ, иқтисод фанлари доктори, профессор.

ФАОЛЛАРИМИЗ ТАШАБУСУДАН РАҒБАТ КЎРГАНЛАР

СЕРСЕНГУЛ опа бу гал ҳам идорага бир ўзи бормади. Ҳали нонушта қилиб улгурмасдан, уни йўқлаб келишди. Чиқиб қараса, Эркин фермер. — Опа, — деди фермер Эркин Обидов. — Узингиз билангиз, бўлди экиш учун майдон ҳозирлаб қўйганман. Шунинг учун орада сугориб олинмиш керак. Йўқса, ер етилишини кутиб, экиш кечикиб кетади. Кеча буздойга мўлжалланган бўш ерларимни сугораятган эдим, томорқачилар сувни очиб кетишибди... Серсенгул опа учун бу муаммо тасолиф эмас. Худудда сув таъминоти яхши бўлса-да, аҳоли сонининг кўпчилиги боис баъзи-баъзида шундай тушунмовчиликлар учраб туради. Шу боис ҳам, опа вазиятни ўрганиш учун дарҳол қишлоққа отланди. Бориб кўрса, томорқачиларнинг ери ҳам қақраб ётибди. Шунда раис бандбошидан сувни биров кўтаришни сўраб, аввал митрога телефон орқали илтимос қилди. Сўнг фермеру томорқачиларга сувдан фойдаланиш вақтларини белгилаб берди. — Сувни тежаб, метёри билан ишла-

тишлар, — деди опа. — Шундай қилсак, ҳаммага етиб-ортади. Биз борганимизда, Пешку туманидаги Варакша қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Серсенгул Жамончаева сув муаммосини баргараф этиб, идорага қайтиб келган экан. — Юринг, сизга марказимизни кўрсатай, — дея у бизни йўлга бошлади. 2004 йилда ташкил этилган «Оилани ижтимоий ҳимоялаш» марказига кириб борар эканмиз, дастлаб бу ердаги кичик саноат корхонаси билан танишдик. Бир томонда тикув, наввойлик, пишпирик, бошқа томонда эса макарон ишлаб чиқариш цехлари ишлаб турибди. — Марказни ЮНЕСКО гранти эвазига ташкил этганмиз, — дейди С.Жамончаева. — Баҳонада 15 киши иш билан таъминланди. Ходимлар цехларда тайёрланган маҳсулот даромадидан ташқари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими томонидан ҳам маош билан таъминланмоқда. Негаки, бу ерда «устоз-шоғирд» йўналишида ёшларга хунара ҳам ўргатиляпти. Шундан сўнг раис опа бизни компьютер

тер марказига бошлаб борди. Марказда 72 нафардан зиёдроқ ўғил-қизга «Болалар» жамғармаси республика бошқаруви томонидан тақдим этилган олтига компьютер воситаларида дастур тузиш операциялари, интернетда ишлаш усуллари ўргатиляпти. — Бу лойиҳалар иқтидорли раҳбар ташаббусларининг бир қисми, холос, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Пешку тумани бўлини раиси Бобоқул Насриддинов. — 12 йил мобайнида С.Жамончаева ташаббус билан нафақат туман, балки вилоятнинг ҳам энг олис, чекка қишлоқларидан ҳам хизматланиб Варакша газлаштирилди ҳамда тоза ичимлик суви билан таъминланди. Серсенгул опанинг сай-ҳаракатлари жорий йилда муносиб тақдирланди. Мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллик тантаналарини арафасида С.Жамончаева «Дўстлик» ордени билан мукофотланди. — Бу мукофотни хизматларим эътирофи, шу билан бирга, келгусида амалга оширилган ишларим учун рағбат деб биламан, — дейди у. — Ҳали олдимизда юмушлар бисёр. Йиғинда 125 нафар кам таъмин-

ланган оила истиқомат қилади. Улар худуддаги тадбиркорларга, фермер хўжалиқларига бириктирилган. Қолаверса, уларга давлатимиз томонидан ҳам моддий ёрдам берилмоқда. Аммо «Қўлдан берилган куш тўймай», дейди халқимиз. Шу боис, келгусида худудга саноатни олиб кириш, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва шу орқали мунтазам ишчи ўринлари яратилиши мўлжалланган. Айни пайтда бу борада аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Раҳбарнинг тиришқоқлиги, аниқ мақсад сари изчил иштироки ҳар қандай кишида ҳавас уйғотади. Дарвоқе, «Варакша» қишлоқ фуқаролар йиғини аҳли билан суҳбатда бўлганимизда, кўпчилик бу аслини «Суюнчи» фильмидаги Анварат бундан образига менгашди. Бу ўхшатишда жон бор. Зеро, Серсенгул опанинг ҳар бир кунини маҳалла-қўйла инсонлар ташвиши, ўй-хаёли, улар ҳаётини яхшилаш каби ташвишлар билан ўтади. Маҳалла, эл-юрт учун жонкуяр кишилар меҳнати эса доимо қадрланган келган. Ақбар РУСТАМОВ, «Mahalla» мухбири.

МУКОФОТ МУБОРАК!

ХОНОБОДЛИК ДИЛКУШО ОПА

ДИЛКУШО опа энди хизматга отланиб турганда дарвозадан тўнғич қизи Шоирахон кириб келди. Қўлидаги фарзандини ерга қўйди-ю, онасини кўчоқлаб олди. — Табриклайман, онажон, юксак мукофот муборак! Умрингиз узок бўлсин, яна кўп йиллар бизга бош бўлиб юринг! Мамлакатимизда ҳалол меҳнат ҳаминша қадрланади! ...Турмуш ўртоғи Ботирхон Содиқов автомобиль ҳалокати туфайли оламдан ўтганида турт нафар фарзандининг каттаси мактабда ўқиб, кичиклари боғчага қатнардди. Маҳалладаги мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаётган Дилкушо ўзини йўқотмади, балки оиласига, ишига жон-жаҳди билан киришди. Ёш бўлишига қарамай, бошқа турмуш қилмади, ҳаётини фарзандларига бағишлади. Йиллар ўтиб, Шоирахон, Одилжон, Шаҳноза, Эркиной бирин-кетин вояга етиб, ўқиб, эл қаторига қўшилишди,

оилали бўлишди. Ҳозир Дилкушо опанинг ўн нафар набираси бор. Ҳамма йиғилганда хонадонда тўй бўлаётганга ўхшайди гўё. Бундан 8 йил олдин опа мактабдан нафақага чиққанда фарзандларининг: «Бўлди, энди ишламайсиз, дам олинг!», деганига қарамай, маҳаллошларининг таклифи билан «Фозилмон» маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилишга рози бўлди. Кўп ўтмай бу вазифа қаторига Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинига раҳбарлик ҳам қўшилди. Болалар билан ишлаб ўрганган Дилкушо опа маҳалла ҳаётига жуда тез киришиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди. «Фозилмон» азалдан шаҳарнинг обод маҳаллаларидан ҳисобланган келган. Бу ерда «Анджонкабель» Ўзбекистон-Россия, «ЎзКОДЖИ» Ўзбекистон-Корея қўшма корхоналари, Фозилмон шифобахш суви оромгоҳи, касб-хунара коллежи, мактаб бор. Аммо маҳалланинг шу пайтгача

гузари йўқ. Йил бошидан маҳалла аҳли опанинг гузар қуриш ҳақидаги фикрини қўллаб-қувватлади. Хонобод шаҳар ҳокимлиги бунинг учун ер майдонини ажратди. Ҳозирги кунга келиб янги гузарнинг шакл-шамойили кўзга ташланиб қолди. Тадбиркорлар томонидан бунёд этилган сартарошхона, чойхона, ошхона, савдо дўкони, тикувчилик пехи маҳалла аҳлига хизмат қила бошлади. Лочинбек Мадалиев озиқ-овқат ва саноат моллари дўкони курган бўлса, Пулатхон Алиқулова фойдаланимай ётган бинони капитал таъмирлаб, хусусий болалар боғчисини очди. Яна бир тадбиркор кўрпа-гушақ пехи ташкил этди. Маҳалладаги беш оила «ЎзКОДЖИ» корхонасига касаначилик йўли билан, шартнома асосида сут-қатиқ етказиб бермоқда. Маҳалланинг эллика яқин фуқароси доимий иш билан таъминланди. Ана шундай қувончли ўзгаришларни қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли 12 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган Хидирша,

Навоий, Мадраҳимов номидаги маҳаллаларда ҳам қўриш мумкин. Айни пайтда, Навоий номидаги маҳалланинг 20 та оила уйлари давлат четариси худудига жойлаштириш учун, шаҳарга қираверилда ажратилган янги участкаларга кўчмоқдалар. Бу оилаларга етарли даражада цемент, ёғоч, шифер, арматура ажратилди. Ҳозир қурилиш ишлари қизғин бормоқда. Ана шундай долзарб дамларда маҳаллошларни қўллаб-қувватлаш учун Дилкушо опа фаоллар билан маслаҳатлашиб, ҳашарлар уюштирди. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлар орасида биз юқорида ҳикоя қилган Хонобод шаҳар Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Дилкушо Аҳмедова ҳам бор. У самарали фаолияти эвазига «Фидокорона хизматлари учун» орденига сазовор бўлди. У.САҚСОНБОВ, «Mahalla» мухбири.

ОИЛА ҚЎРҒОНИ БУТ, НИКОҲ МУСТАҲКАМ

АСАКА шахридаги «Шодлик» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулнора Ботирова 2007 йили шу лавозимга тайинланган эди. «Шодлик» маҳалласида 3560 нафар аҳоли яшайди. Улардан 1890 нафари аёллар, 930 нафари вояга етмаган ёшлар.

Маҳалла маслаҳатчиси барқарор маънавий муҳитни соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзини ташкил этишда, маҳалла фаоллари ёрдами муҳим аҳамият касб этишини яхши англаган ҳолда, ҳудуддаги кайвони аёлларни хайрли ишларга чорлади. Маҳалладаги муаммоларни бартараф этишда, болалар тарбиясида, ёш келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказишда, қонуний никоҳнинг афзалликларини тушунтиришда, тўй-маъракалар камхарж ўтказилишида бош-қош бўлди.

Бу ишларни амалга оширишда маҳалла фаолларидан Ҳақидаҳон Умарова, Қундузхон Раҳматухона, Маамирхон Йўлдошева, Мухаррамхон Уринбоева каби кўпни кўрган онахонларнинг, яраштириш комиссияси аъзоси Неъматилло Иминовларнинг панд-насихатлари кўл келмоқда, — дейди фуқаролар йиғини раиси Ёқутхон Мадраҳимова. — Шу бонс, оилавий ажримлар кам, арзимас жанжаллар туфайли оилаларнинг бузилиб кетишига йўл қўйилмайти.

Жорий йилнинг баҳорида Асака шаҳар ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлини маси ҳақдорлигида ташкил этилган «Хунарманд аёллар маскани»да 55 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан буюртмалар тушмоқда. Айниқса, Одинахон Боймирзаева, Мухаррамхон Мамадалиева, Марҳабохон Алимова, Мاستураҳон Юсупова, Маҳбузахон Қодировалар дўппидўзликда мактаб яратганлар. Маҳалладаги «Абдулазиз орзу-нияти» деҳқон-фермер хўжалигида амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ.

Маҳаллада Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофизат қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тад-

бирлар тўғрисида»ги ҳамда «Аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида «Соғлом она — соғлом бола, соғлом бола — соғлом келажак» шиори остида иш олиб борилмоқда. Г.Ботирова ташаббуси билан ташкиллаштирилган «Соғлом бола туғилишида қайнонанинг роли», «Оилаларда тиббий маданиятни ошириш» каби тарғибот-ташвиқот ишлари бонс, маҳаллада оналар ва болалар саломатлиги сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Тошкент вилояти Урта Чирчиқ туманида бўлиб ўтган «Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўриқ-танловида қатнашиб, иккинчи ўринни эгалладим, — дейди Г.Ботирова. — Танловда маҳалламиз ҳунармандлари иш намуналаридан, 7-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари тайёрлаган кўриқчоқлардан, маҳалламиз тарихи ва унинг буғунги кунлардаги манзарасини акс эттирувчи суратлар, иш фаолиятига доир фотоальбомлар кўпчиликда қизиқти уйғотди.

Ўз вазифасини сидқидилдан адо этаётган, элу юрт фаровонлигини йўлида бетиним меҳнат қилаётган Гулнора Ботированинг меҳнатлари муносиб баҳолашиб, тақдирланди. Ўз иш фаолиятини намуна бўларли даражага кўтарган маслаҳатчи Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви ва Республика Хотин-қизлар кўмитасининг дипломи ҳамда рангли телевизор билан мукофотланди.

Юлдуз ҲОЖИЕВА, «Mahalla» мухбири.



© фото-Носир Хайдаров

ТАЪСИРЧАН ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

Фаолиятимизда эришаётган муваффақиятларда ўз аксини топмоқда

Ёшларни тўғри йўлга бошлаш, касб-ҳунарга ўргатиш, маҳалла ҳудудида соғлом маънавий муҳитни шакллантиришдек хайрли ишларни амалга ошириш йиғин мутасаддиларидан, айниқса, маслаҳатчидан катта масъулият талаб этади. Маҳалла қошида ташкил этилган ёшлар ҳамда хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолияти ҳам бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилайтир.

Бугун ёшларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Негаки, улар турли спорт ва бошқа мусобақаларда, кўриқ-танловларда фаол иштирок этиб, юқори натижаларни кўлга киритишмоқда. Шу бонсдан, ёшларнинг бўш вақтини маъмурий ўтказиш, уларнинг ижод, спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тадбирлар ва давра суҳбатлари уюштиришга эътиборни қаратяптимиз.

Яқинда ўсимир қизлар ўртасида ўтказилган «Дўппи тикдим ипақлари тиллодан», «Миллий калом — миллий таом — миллий либос» кўриқ-танловида маҳалламиз ёшларидан Муъсар Сулаймонова вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллади. Айни пайтда у галдаги босқичга тайёргарлик кўряпти. Тадбирларни ташкил этишда ташкилотлар би-

лан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда маҳалла мутасаддилари ташаббуси билан ёш келинлар ўртасида «Ибратли келин» кўриқ-танловининг ўтказилаётгани, намунали оила барпо этишда, оилада турли тушунмовчиликлар, жанжалларга сабаб бўладиган воқеа-ҳодисаларнинг олдини олишда қўл келаяптир.

Ёш ўғил-қизларни иш билан таъминлаш бизнинг муҳим вазифаларимиздан. Маҳаллада касаначилик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлар талайгина. «Маданият камолоти» кичик корхонаси раҳбари Баҳринисо Мамажонова маҳаллада тикувчиликни йўлга қўйиб, йигирма турдан ортиқ миллий либос тикиди. Ҳозир бу корхонада «устоз-шогирд» аънаси асосида ўн нафарга яқин қиз-жувон тикиш-бичиш сирларини ўргатапти. Б.Мамажонова нафақат тадбиркор, балки айни пайтда маҳаллада хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг раиси ҳам. Шундай тадбиркорларимиздан яна бири Наргиза Уролова йигирмага яқин хотин-қизларга қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаш сирларини ўргатапти.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Шаҳло Аҳорова, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Наргиза Маҳмудова, йиғин раислари ҳамда тумандаги ма-

ҳалла маслаҳатчилари ҳафтада бир марта йиғилишиб, иш фаолиятимизни мувофиқлаштириб оламиз, бир-биримиздан ишимизда асқатадиган зарур жиҳатларни ўргатамиз, ўзаро тажриба алмашамиз.

Ҳамкорликдаги иш бесапар кетмайди. «Қайнанали келин қарқара келин, қайнанасиз келин масҳара келин», «Иноқ овсинлар», «Аҳил кўшилар», «Энг обод кўча», «Энг шинам хонадон», «Алп қомат йигитлар» каби мавзудаги очиқ мулоқотлар яхши самара берайтир. Бундан ташқари, маҳалла аҳлига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келаятган 5-шаҳар табобатхонаси ходимлари, туман ФХДБ бўлими мутасаддилари, хотин-қизлар кўмитаси, умумтаълим мактаби ва мактабгача таълим муассасалари вакиллари, милиция таянч пункти ходимлари ва кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилаётган «Отоҳлик — давр талаби», «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она», «Қўшнинг тинч — сен тинч» деб номланган маънавий-маърифий тадбирлар маҳаллада ҳудудда жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, тартибузарликлар содир этилишининг олдини олишда қўл келаяпти. Хонадонлар тинчлигини таъминлаш, оёқошчиларни сақлаш, соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, аҳоли саломатлиги,

айниқса, ёш авлоднинг соғлом бўлиб қолмоқда, ёшларнинг маҳалла фаолларидан Муртозоқул Ботиров, Тамара Соатова, Клара Давидова, профилактика инспектори Саидали Яхшибоев, Қумри Шомансурова, шифокор Мавжуда Мирзаева, отиноий Зулфия Муҳаммадиева, ўқитувчи Лола Пиримқулова ҳамда кўпни кўрган отахону онахонларнинг хизматлари, йўл-йўриқ, панд-насихатлари эътиборга лойиқ.

Меҳнатим юқори баҳолашиб, ўтган йили Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида ўтказилган «Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўриқ-танловида юқори ўринни кўлга киритдим. Эришган ютуқларимдан ғайратланиб, фаолиятимни янада кенгайтиришга астойдил ҳаракат қилдим. Натижада Мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги муносабати билан Президентимизнинг фармонида биоан «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирландим. Келгусида юртимиз тараққиёти, қолаверса, маҳалламиз ободлиги йўлида бор куч-ғайратимни ишга соламан.

Ўғилло КОМИЛОВА, Жизжа шахридаги «Оққўрғонлик» маҳалласи маслаҳатчиси.

МАСЛАХАТЧИГА ҚЎЛЛАНМА

МАЪНАВИЯТНИНГ ТАРБИЯГА ТАЪСИРИ

АСОСИЙ ТУШУНЧЛАР

ОИЛА — МАҲАЛЛА — МАКТАБ (ЛИЦЕЙ, КОЛЛЕЖЛАР) ҲАМКОРЛИГИ

Ўқувчи-ёшларнинг таълим-тарбиясида эътиборни қўйиштириш, бу борада ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонун ва ҳужжатлар, директив кўрсатмаларни самарали бажаришда «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлиги фаолияти ўзига хос педагогик тизим, услуб ва шакллarga эга бўлиши, улар ўртасида ўтказилаётган тадбирлар ҳар томонлама пухта, ёшларга мос педагогик ва психологик муассамлашган, мантиқан теран, кўргазмали ва қизиқарли, таъсирчан, оммабоп, амалий жиҳатдан қисқа ва лўнда, эстетик жиҳатдан кенг кўламли бўлиши шарт.

Оила-мактаб тузилмаси ҳамкорлигида олиб борилаётган ишлар маҳалла ҳудудидagi барча ёшларга ва тоифаларга фуқароларни ҳамраб олиши мақсада мувофиқдир.

Ҳамкорликнинг асосий мақсад ва вазифаси урф-одатларимизни, маданият ва тарихни ўргатиш, ўқувчи-ёшларни ва танпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ҳунармандчилигимизни эъзозлаш, миллий гуруҳни юқори кўтариш ва унга садоқатли бўлиш, ёшлар тарбиясида доимо ёрқин хотиралар қолдириш, ташкилий ишлар самарасини оширишдан иборат.

Маҳалла оқсоқоли, кенгаш аъзолари, фаоллар ҳудудда жойлашган мактаб (академик лицей, касб-ҳунар коллеж)лари билан ҳамкорликда иш режаларини тузишда фаол қатнашади. Шунингдек, кенгаш аъзолари ўтказилаётган тадбирларда иштирок этиши, тарбияси оғир бўлган рўйхатини тузиш, давомати ёмон болалар ўқувчиларнинг ота-онаси билан суҳбатлар ўтказиш, кам таъминланган оила фарзандларини ўқув-қуроллари билан таъминлашда амалий ёрдам бериш, иқтидорли ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳам комиссия аъзоларининг асосий вазифаларидир.

(«Маҳалла фуқаролар йиғини тизимининг намунавий тузилмаси ва иш юритиш услублари» китобидан.)

Миллий ғояни оила муҳитида боланинг онги, қалбига синдиришининг муҳим воситаси, бу — оилавий қадриятларни қўллаш ва илгор оилавий аънаваларни кундалик тарбия тизимига жорий этиш, турмуш тарзининг бир бўлагига айлантиришдир. Бунда ота-онанинг ўрни ва роли бевосита бўлиб, фақат соғлом муомала ва самимият муҳитига ўсимирнинг дунёқараши шаклланишига ихобий таъсир кўрсатади.

Халқ психологиясида мафқуравий таъсирчан омиллар ҳоҳиятини билиш, янгича расм-русумлар, маросимларнинг аҳамиятини томонларини кундалик турмуш тарзига айлантириш ёшлар эътиқодига самарали таъсир кўрсатувчи педагогик технологияларга кирди. Бугун аҳолини, ёшларни тарбиялаш — олдийгина «у қилма, бу қилма», деб гапириб, айтиш, тушунтиришгина эмас, балки ўргатиш, етаклаш ва ибрат демаскир. Шу ўринда рус адиби Лев Толстойнинг бир фикри ибратли: «Нима яхши эканлигини билиш учун ниманинг ёмонлигини, нима қилиш кераклигини билиш учун нима қилмаслик кераклигини билиш керак». Демак фарзандларимизга нималарни ўргатишимиз лозим?

— Яхши ниятлар, пок ниятларга. Зеро, улўф китобда ёзилганидек: «Ният яхши инсоннинг ёнида ҳамisha Аллоҳ бўлади».

— Улуғ мақсадларга, интилишга уларни амалга оширишдаги тўсиқ ва қийинчиликларни енгишга;

— Юракни тозалашга. Зеро, «Юракни тозалаш барчага яхшилик қилишдан бошланади», дейилган Ҳадисларда. Яна қўшимча қилиш керакки, юракни тозалаш — уйни, хонадонни, кўчани, маҳаллани, юртни обод қилишдан бошланганининг маъносини ўқитиш;

— Онани, оналикни эъзозлашга ўргатиш. Чунки она ўз жонини гаровга қўйиб, зуриёдини дунёга келтирди, унинг меҳри, жон фидойлиги бонс фар-

занд дунёни танийди, тарбия олади, камолга етади.

Бу каби қадриятларни аҳоли ва ёшлар онига синдиришда маҳалланинг ўрни беқийс. Зеро, бежизга халқимизда «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она», деган нақл машҳур эмас. Маҳалла ва оила тушунчалари айни шу маънода бир-бирига уйғун. Агар маҳалладаги аҳиллик оилаларнинг мустаҳкамлигининг гарови бўлса, ўз навбатида мустаҳкам оила маҳаллаларнинг ободлиги ва тинчлиги, аҳолининг тотув яшаши учун зарур.

Лекин гуруч кураксиз бўлмаганидек, оила ва никоҳ масалаларига енгил-елпи қараётган, ҳирс ва ҳавас, бойликнигина ўйлаб яшаётганлар ҳам йўқ эмас. Уларни тўғри йўлга солишда маҳалланинг, маҳалладаги фаолларнинг, жамоатчиликнинг роли катта. Чунки ўзбекчилигимизда жамоавийликка катта эътибор берилди. Ҳеч бир кимса ёки айрим алоҳида олинган оила ўзини жамиятсиз, унинг эътибори ва назарисиз тасаввур қила олмайди.

«Маънавий ҳаётимизни юксалтириш ҳақида гапирганда, — деб ёзди Юртбошимиз Ислам Каримов. — Маҳалланинг роли ва таъсири хусусида тўхталиш, албатта, ўринлидир. Маълумки, азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келди. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силлаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва аънавалар, аввалдан маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини-ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётда чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она» деган ҳикмат-

ли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз».

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг фикрларида жуда теран маъно бор. Чунки ҳар биримиз, турмуш қувончларини ташвишларини, оиламиз учун тарих бўлиб қоладиган ҳар бир кунимизни яқин кўни-кўшимиз, маҳалладаги қадрдонларсиз, маҳалла фаолларисиз тасаввур қила олмаймиз. Шу маънода, маҳалла ҳар бир фуқаро учун таянч ва руҳий мадал маскани сифатида қаралади. Қолаверса, амалга ошираётган ишимиз, муаммоларимизни ҳал этиш йўлларини ҳам маҳалла фикрига ҳавола эттиб, унинг маънан қўллаб-қувватлашига эҳтиёс сезамиз. Хонадонимиз, оиламизда содир бўладиган яхши кунларимизни маҳаллага ошкор этгимиз, хижолатли ишларни, аксинча, сир сақлагимиз келади. Шу маънода, маҳалла биз учун катта тарбиячи, маслаҳатчи, отамиз ва онамизга ўхшайди.

Бугунги кунда маҳалла бошқаруви ва танпарварлик, инсонийлик ва мурувватчилик ҳис-туйғуси юксак намоён бўладиган, фуқароларга оила ва жамият муаммоларини, давлатимиз олиб бораётган ижтимоий сиватини тўғри тушуниб, уларнинг аниқ ечимини тўғри топиб етказадиган маърифатли, ташаббускор, зидий кишилар қўлига ишониб топширилган.

Зотан, ўзбек хонадонларида, маҳаллаларда чинакам шарқона муносабатлар, муомала маданияти, халқчил удум ва урф-одатлар сақланиб қолганки, бу қадриятларимиз республикамиз мустақил-



Маҳалла фаолларисиз тасаввур қила олмаймиз. Шу маънода, маҳалла ҳар бир фуқаро учун таянч ва руҳий мадал маскани сифатида қаралади. Қолаверса, амалга ошираётган ишимиз, муаммоларимизни ҳал этиш йўлларини ҳам маҳалла фикрига ҳавола эттиб, унинг маънан қўллаб-қувватлашига эҳтиёс сезамиз. Хонадонимиз, оиламизда содир бўладиган яхши кунларимизни маҳаллага ошкор этгимиз, хижолатли ишларни, аксинча, сир сақлагимиз келади. Шу маънода, маҳалла биз учун катта тарбиячи, маслаҳатчи, отамиз ва онамизга ўхшайди.

лиққа эришганидан сўнг қайтадан ривож топди.

Ҳозирги пайтда маҳалла ўзини ўзи бошқаруви органи, фуқароларни бир ғоя, маслак ва мақсад атрофида жипслаштиришга қодир бўлган ижтимоий институт сифатида фуқаролик жамиятининг муҳим пойдеворига айланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва ислохотлардан қўзланган асосий мақсад эса фуқароларимизни, биринчи навбатда, ёшларимизни миллий қадриятларимизга садоқат, ватанпарварлик, давлатчилигимизнинг буюк келажига ишонч руҳида ҳар томонлама қомил инсонлар қилиб тарбиялаш экан, бунда оила ва маҳалланинг мафқуравий, маънавий-тарбиявий таъсир кўрсата олиш имкониятларидан тўла фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳалла — жамоатчи тарбиячи сифатида ушбу педагогик жараёнга хос барча сифатларга эга бўлган маскандир.

Мустақиллик йилларида жамоатчилик ҳамда оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлиги орқали шаклланаётган янгича дунёқараш ўсиб келаятган ёшларда ўз Ватани — Ўзбекистонга садоқатини, миллий қад-

рий ва аънаваларга бўлган муҳаббатни, ўз оиласи ва яқинларига меҳрибонликни, танлаган йўли, касби, маслаги ва эътиқодига содиқликни тарбиялашни назарда тутайди.


Зеро, маҳалла, энг аввало, соғлом ижтимоий муҳитдир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри мавжуд бўлиб, у аҳолининг ҳуқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат, бағрикенглик, инсонпарварлик каби маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради.

Ўзбекистондаги маҳаллаларда фуқароларнинг ҳаётий тажрибаси, кенг жамоатчиликнинг сай-ҳаракатлари билан ёшлар ўртасида мафқуравий-тарбиявий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий қадриятларни эъзозлаш, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатлар камол топишида маҳалланинг ўрни беқийс.

Маҳаллалар эса, таркибан оилалардан иборат. Мана шу оилаларнинг тинчлик-хотиржамлигини таъминлаш, ёшларни шу маҳалла ва оила шаъни учун курашувчи диёнатли инсонлар қилиб тарбиялаш каби муҳим вазифалар ҳам маҳаллада амалга ошади. Дарҳақиқат, оиланинг ижтимоий-моддий ҳолати, ундаги шарт-шароитларни оила жойлашган маҳалла, кўни-қўшни жуда яхши билади.

Инсоннинг оилада шаклланган ва маҳаллада сайқал топган йимон-этиқоли, одоби, орияти ва виждони, ақл-заковати, тафаккури маҳалла муҳитида янада юксалиб, халқ манфаатлари, ўзаро иноқлик ва ҳамкорлик ҳис-туйғуларини билан уйғуллашиб, жамиятда соғлом муносабатларнинг шаклланишига олиб келади.

(«Мустаҳкам оила — маҳалла таянчи» китобидан. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент — 2009.)



ҳақида ҳикоя қилади.
— Айни пайтда Қарши шаҳрига зиёратга келадиганлар сони тобора ортиб бормоқда, — дейди тарихчи-ўлкашунос, музей бош мутахассиси Муҳаммад Хайдарова. — Хусусан, ҳеч бир меҳмон Одина мажмуасини зиёрат қилмасдан кетмайди. Мажмуада “Ўзликни англаш маркази” ташкил қилинган. Бу ерга келган киши юрт тарихи, қадриятлари билан яна бир бор танишади. Кибекхон томонидан қурдирилган сарой бир муддат Чингизийларга хизмат қилган. Амир Темур ҳам ўзининг буюқ юришларини шу жойдан бошлаган. 48 та устун ва 63 та гумбаздан иборат тўртбурчак шаклдаги ушбу маҳобатли қурилма нафақат темир устунлиги билан, балки Бухоро амирларини ҳам бефарқ қолдирмаган. Хусусан, XIX-XX асрларда улар саройда беклик қилиб, бошқарув фаолиятини ўргангандан сўнггина Бухоро тахтини эгаллаган. Собиқ иттифоқ даврига келиб масжид омборхона ҳамда бошқа мақсадларда фойдаланилган. 1938 йилдан эътиборан эса, қамоқхона вазифасини ўтаган.

Масжид ҳовлисидаги сардоба ўзининг маҳобати ва ноёб кўриниши билан ажралиб туради. Собиқ иттифоқ даврида ундан омборхона, оғилхона ва ҳаммом сифатида фойдаланилган. 1980 йилга келиб эса бузиб юборилган. Мустақиллик шарофати билан сардоба қолдиқлари асосида қайта тикланди. Таъкидлаш жоизки, Қашқадарё вилоятининг иссиқ иқлими сабаб, сардоба энг муҳим қурилмалардан бўлган. Бу борада меъморлардан тоғдан

оқиб тушадиган чучук сув миқдорини ва сардоба қуриш учун қулай жойни танлаш талаб этилган. Аввалига қудуқ ва ҳовуз қурилиб, кейин сардоба бунёд этилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида Қаршига қуйидагича таъриф берилди: “Бас Қаршининг баҳори ҳў бўлади, дарёси тўлиб оқади, ёзда эса қуриб қолади”.

Сардоба, асосан, тухумсимон шаклда бўлиб, ташқи кўриниши ва чуқурлиги 7-17 метрни ташкил этган. Баъзиларида эса қирқ зина билан тушиладиган қудуғи ҳам бўлган. Қадимда Қашқадарё ҳудудида 40 дан зиёд сардоба мавжуд бўлиб, айни пайтда уларнинг 15 таси сақланиб қолган. Хусусан, Қарши, Миришкор, Нишон, Касби, Муборак туманларида сардобалар мавжуд. Касбидаги сардоба XI асрда қурилган бўлиб, ҳозирга қадар асл кўринишини сақлаб қолган. Таажжубки, меъморларнинг ақлу заковати ва салохиятидан дарак бериб турувчи биргина нишдан мустаҳкам, маҳобатли, гумбазли қилиб қурилган сардобаларда бирор бир уста ёки меъморнинг исми-шарифи битилмаган.

Зиёратга келганларнинг кўпчилиги масжиднинг мовий гумбази устидаги тўрт қуббани кўриб, қизиқиш билдиришади. Қуббанинг биринчиси имонга, иккинчиси эътиқодга, учинчиси таннавиятга, тўртинчиси маланиятнинг тантанасига қисс қилинган. Бу юртнинг эли эътиқод, имон, тарихни ўз элкасида кўтариб келган. Зотан, тўрт қубба шаҳарнинг улуглиги ва бу ерда шайхлар, уламолар яшаб ўтганлигидан далолат. Уйлаймизки, ушбу обида яна асрлар давомида нафақат Қарши шаҳрининг, балки мамлакатимизнинг миллий маънавиятини, қадриятларини дунёга танитишда бой манба бўлиб хизмат қилаверади.

Моҳиҷхпра ЛАТИПОВА,
«Mahalla» муҳбири.

СУРАТЛАРДА: Одина мажмуасининг кўринишлари.

ГУМБАЗИДА ВИҚОР, УСТУНИДА МАҲОБАТ БОР

ОДИНА мажмуаси Қарши шаҳрининг тарихий, шу билан бирга, энг обод гўшаларидан бири

Одина масжиди 2004 йили Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаш арафасида тўлиқ қайта таъмирланди. Қадимшунос Массон томонидан олиб борилган изланишлар натижасида унинг XIV асрда бунёд этилгани, хон саройи бўлгани ва кейинчалик масжидга айлантирилганлиги аниқланган. Айни пайтда Одина зиёратгоҳи Қарши ҳамда мамлакатимиз тарихини ўзида акс эттирган музейдан иборат. Музейдаги халқ амалий санъат намуналари — кўза, сўзана, қурол-аслаҳалар, устунлар қаршиликларнинг миллий озодлиқ ҳаракатлари тарихи ҳамда XIV асрдан бугунгигача қадар бўлган турмуш тарзи



КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИ ЭЪТИБОР ВА КЎМАК БЕРИБ

ИНСОН эртага ўзини нималар кутатганини билмас экан. Бухоро шаҳридаги Маҳмуд Торобий номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Бобур ҳам дўстининг тўйига яхши кайфиятда хизмат қилиш ниятида борган эди. Бироқ тўйхонадаги ариммаган сабаб боис бошланган жанжал унинг номига қора доғ бўлиб ташди. Бобур маст ҳолатда шеринга оғир тан жароҳати етказиб, суднинг қора курсисига ўтирди.

Жазони ўтаб уйга қайтганида Бобур анча ўзгарган, тушкун кайфиятда эди. Шундай оғир дамда маҳалла унга дала берди. Хонадонига маҳалла фуқаролар йиғини раиси Амин Шаратов ва жамоат хавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва жазони ўтаб чиққан шахслар билан ишлаш комиссияси аъзоси Манзура Ражабова ташриф буюрди.

— Бобур, битаман, бир ноҳус тасодиф оқибатида бошингга ташвиш тушди, — деди Манзура Ражабова. — Начора, бу ҳам тақдирнинг бир синови. Сен шу синови мардларча енгиб ўта олишининг керак. Бунга бизнинг қўлимиз етади. Келажакнинг ўз кўнглингизни унутма.

Фуқаролар йиғини сай-ҳаракати билан Бобур шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий кўникма маркази томонидан нафақа билан таъминланди. Бир оз вақт ўтгач, у «Тасвирий ойна» ишлаб чиқариш корхонасининг Бухоро шаҳар бўлимига ишга қабул қилинди.

Айтиш жоизки, мазкур маҳаллада тўрт нафар жазони ўтаб қайтган шахс бўлиб, бутун улар фойдали меҳнатга жалб этилган. Қолаверса, йиғин ҳузуридаги жамоат хавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва жазони ўтаб чиққан шахслар билан ишлаш комиссияси аъзолари томонидан улар орасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Комис-

сия аъзолари таркибига ҳуқуқшунос Манзура Ражабова, участка профилактика инспектори Гафур Омонов, маҳалла побони Фарҳод Тоғоев ва ҳудуддаги обрўли отахонларнинг жалб этилгани бу борадаги ишлар самарасини янада оширди.

— Маҳалламизда 4720 нафардан зиёд аҳоли яшайди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Амин Шаратов. — Албатта, кўпчилик истиқомат қиладиган ҳудудда жамоат тартибини сақлаш осон эмас. Шу сабабли, жамоат хавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва жазони ўтаб чиққан шахслар билан ишлаш комиссияси кўмағига суянамиз. Ҳар бир кўча ва кўп қаватли уйларида жамоат хавфсизлигига масъул шахслар тайинланган. Комиссия аъзоларининг ҳаракати билан бир неча бор хонадонларда ноқонуний тарзда ижарада турадиган фуқаролар аниқланиб, шубҳали шахслар ҳуқуқ-тартибот идораларига топширилди.

Маҳаллада жамоат хавфсизлигини сақлаш борасида комиссия аъзолари томонидан «Огоҳлик — давр талаби», «Гиеҳвандлик — аср вабоси», «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзуларида мунтазам давра суҳбатлари ташкил этилади. Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтини маъмуллик жамоати мақсадида маҳалла футбол жамоаси тузилган. Улар барча қулайликларга эга бўлган футбол майдонида мураббий Аскар Сайдуллоев қўл остида машғулот ўтказишади. Қувонарлиси, мазкур маҳалла ёшлари шаҳардаги кўплаб мусобақаларнинг голиби.

Ҳа, Маҳмуд Торобий номидаги маҳаллада соғлом муҳитни шакллантириш борасида олиб борилаётган ишлар осойишталик ва хотиржамликка омил бўлмоқда. Зеро, маҳалла осойишталиги юрт тинчлиги кафолатидир.

Ақбар РУСТАМОВ,
«Mahalla» муҳбири.

“НАВРЎЗ” САВДО МАРКАЗИ

БОЕВУТ туманидаги Фаллакор қишлоғида “Сирдарё матлуботсавдо” акциядорлик жамияти томонидан янги “Наврўз” савдо маркази ишга туширилди. Қарийб олтин минг аҳолига хизмат кўрсатадиган бу савдо мажмуаси барча қулайлик-

ларга эга. Эътиборлиси, кундалиқ эҳтиёжлар учун зарур бўлган барча маҳсулотлар пластик карточкалари орқали харид қилинмоқда.

Муҳбиримиз

МУЗЕЙ ТАРИХ САҲИФАЛАРИ АКС ЭТГАН

ИНСОННИЯТ тамаддунининг бешиги бўлган кўҳна Шарқнинг ҳайратомуз тарихини ўзида муҳкамлаган Ватанимиздаги бебаҳо ёдгорликлар, осори-атиқалар, бой моддий ва маънавий мерос ҳақида гап очилганда Термиз археология музейини тарих воқеаларига гувоҳ кўҳна обидалар қатори тилга олишади. Ундаги ноёб топилмалар, тарихий буюмларга назар ташлар экансиз, юртимизнинг бой маланиятга эга бўлган ўтмишидан кўнглингизда фахр-ифтихор ҳисси жўш уради.

54345 дан зиёд экспонатларни муҳаммад эгитган археология музейи 2002 йил апрель ойида фаолиятини бошлади. Музей халқимизни, қолаверса, чет эллик сайёҳларни бой маланий меросимиз билан яқиндан таништириб келмоқда. Ўзбек, рус, инглиз тилларида ҳушмуомалалик билан

экспонатларни изоҳлаётган ходимлар Ватанимизнинг бой тарихий меросига қизиқадиган, уни билишга иштиёқманда юртдошларимизга ҳамда Германия, Франция, Жанубий Корея, Италия, Испания, Япония сингари мамлакатлардан ташриф буюрган сайёҳларга беминнат хизмат қилиб келмоқда. Музей меҳмонларни 16 мингдан зиёд китоб ва қўлёзмаи ўзида муҳкамлаган кутубхона, турли ёдгорлик мажмуалар, кўҳна обидалар билан юзма-юз қилиб, улар ҳақида тўла-тўқис маълумот олиш учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Музей жамоаси ин-тернет имкониятидан оқилона фойдаланган ҳолда, музей тарихидан, бағридаги топилма ва ишланмалар ҳақида маълумот бериб турадиган сайт ташкил қилишган. Музейда воҳанинг қадимги маданиятини

акс эттирувчи Сополлитена, Жарқўрган, Термиз харобалари, Далварзинтепа, Холчаён, Фаёзтепа, Қирққиз каби қадимжолар таъсири туширилган суратлар, макетлар, шу масканлардан топилган меҳнат ва озу қуроллари, аёлларнинг тақинчоқ ва кийимлари, кулчилик ва ҳайкалтарошлиқ буюмлари, чолгу асбоблари ҳамда ов ҳолатлари тасвирланган ноёб суратлар йиғилган.

Мамлакатимиз қадимий ва буюқ тарихини ўзида акс эттирган Термиз археология музейи бизнинг муқаддас заминимизда қандай бетакор, буюқ маданият мавжуд бўлганидан далолат беради. Биз бу ўлмас мерос ва маънавий бойлигимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Адолат ХУДОЙБЕРДИЕВА

«MAHALLA» ЖАВОБ БЕРАДИ ЗАРАРНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

САВОЛ: — Мен кўпқаватли уйда истиқомат қиламан. Яқинда иссиқ сув қувури ёрилиб, уймага сув тошди. Натижада хоналар таъмирталаб ҳолга келиб қолди. Юқори қаватда истиқомат қилаётган кўшимдан етказилган моддий зарарни тўлашни сўрадим. Кўшим қувурининг уйлар орасидан ўтган қисми ёрилгани учун жавобгар эмаслигини тушунтириб, зарарни тўламаслигини айтди. Қурилган моддий зарарни кимдан ундириб оламан?

О.РАҲМОНБЕРДИЕВ
Бухоро шаҳри

ЖАВОБ: — Умумий фойдаланишдаги асбоб-ускуналар, хусусан, канализация ҳамда сантехника ускуналари ва қурилмаларининг муайян қисми уй-жойдан фойдаланиш корхонаси ва уй-жой мулкдорлари ширкати масъулиятида бўлади. Корхона ва ширкат ўз масъулиятидаги асбоб-ускуналарнинг лозим даражада сақланиши учун жавобгарлигини ўз зиммасига олади. Агар қурилма, ускуна ва жўзқон қавати мулкдори назорат қилиши лозим бўлса, сув тошиши натижасида етказилган зарар учун мулкдор жавобгар ҳисобланади. Шу боис, авария ҳолатини келтириб чиқарган умумий фойдаланиш асбоб-ускуналар кимнинг масъулиятида эканлиги ет-

казилган моддий зарарни қоплаш юзасидан жавобгарни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Сув тошиши оқибатида фуқароларнинг мулкига зарар етса, уй-жойдан фойдаланиш корхонаси ва уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари далолатнома тузади. Унда ускуна ва қурилма ишдан чиққани ёки авария бўлгани ва кимнинг масъулиятида экани, воқеа содир бўлган сана, ҳодисанинг сабаби кўрсатилади.

Ҳодисани таъсирлашда сув тошиши оқибатида зарар етган девор, шифт ва пол саҳни аниқ акс эттирилиши керак. Агар квартирадаги мол-мулкка шикаст етган бўлса, далолатномада талафот

нималардан иборат эканлиги кўрсатилади. Шунингдек, уй-жойдан фойдаланиш корхонаси ва уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари таъмирлаш-тиклаш ишларида кетадиган харажатлар сметасини тузиб, зарарни қоплаш юзасидан ундирилиши лозим бўлган пул миқдорини ҳам кўрсатишлари зарур.

Сув тошириб юборилгани оқибатида квартирага етказилган зарарнинг ўзини қоплаш тўғрисидаги давво аризаси фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга тақдим этилади. Бунинг учун ундир олинган суммага боғлиқ ҳолда белгиланган миқдорда давлат божини тўлаши керак.

Фуқаролик кодексининг 1004-моддасига кўра, суд зарарни қоплаш миқдорини, фуқаронинг мулкий ҳолатини инобатга олиб, камайтириши мумкин. Қасдан қилинган ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) оқибатида етказилган ҳолатлар бундан мустасно.

Фасиҳиддин СУЛТОНОВ,
ҳуқуқшунос.

БИР ХАТ ИЗИДАН

МУАММО ЕЧИМ ТОПАДИМИ?

ТАҲРИРИЯТИМИЗГА Тошкент шаҳри Юнусобод туманининг 3-мавзеси «Ақбаробод» маҳалласидаги 3- ва 4-кўпқаватли уйларида истиқомат қилувчи фуқаролардан шикоят хати келди. Унда мазкур уйлар Юнусобод деҳқон бозорининг ёнида жойлашгани учун ораликдаги йўлларда машина ҳаракати тизгилиги оқибатида аҳолининг тинчи бузилаётгани ҳақида ёзилган. Шунингдек, 3-кўпқаватли уй олдида болаларнинг ўйнаши учун майдонча йўқлигини, бу борада тегишли ташкилотларга бир неча марта мурожаат этилганига қарамай, масалани ҳал этилмаётгани баён қилинган.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида «Ақбаробод» маҳалласига ташриф буюрдик, айрим фуқаролар ва йиғин раиси Х.Именова билан учрашдик. Маълум бўлишича, бозор яқинида жойлашган кўпқаватли уйларида истиқомат қилувчи фуқаролар бир неча йиллар мобайнида мавжуд муаммо юзасидан Тошкент шаҳар ва Юнусобод туман ҳокимлигига шикоят хати билан мурожаат қилиб келишган. 2003 йили Тошкент шаҳар ҳокимининг 1 ой муддатда 3-кўпқаватли уй ҳовлисида болаларнинг спорт билан шуғулланиши ва ўйнаши учун махсус майдонча ташкил этиш юзасидан қарори чиқарилган. Лекин шунга қарамай, ҳануз болалар майдончаси барпо этилгани йўқ. Шунингдек, уй олдидаги йўлак айрим машиналар учун «асосий» йўлга айланиб қолгани ва бу фуқароларнинг тинчини бузиш билан бирга, хавфли йўл туриши касб этаётгани ҳақидаги муаммо ҳам ўз ечимини топмади.

— Биз кўпроқ болаларнинг хавфсизлиги ҳақида қайғуряпмиз, — дейди 3-кўпқаватли уйда яшовчи фуқаро Т.Семенова. — Пийдалар учун мўлжалланган йўлакда автомашиналар серкатнов. Шу сабабли болаларни ёлғиз кўчага чиқаришдан қўрқамиз. Чунки йўл тор бўлса-да, машиналар шундай тез юрадики, қўққисдан чиқиб қолган кишини уриб юбориши ҳеч гап эмас. Йўлга

махсус тўсиқ қўйиш, машинаси бор фуқароларимиз учун эса алоҳида йўл очиш ҳақида кўп ташкилотларга мурожаат қилдик. Лекин бир неча йиллардан бун бу муаммо ўз ечимини топмай келмоқда. Айримлар машинасида сотиш учун мева-чева олиб келиб, уйнинг олдида улгуржи нархда сотишадими, бунинг шовқинидан аҳолининг тинчи бузилаётгани. Улардан қолган чиқиндилан уй атрофи ифлосланишини айтмайсизми?

Биз ҳолатни ўрганганимизда, ҳақиқатан ҳам, йўлларнинг торлиги ва машина серкатновлигига гувоҳ бўлдик. Кўплаб фуқаролар бозорда машиналар қўядиган майдон бўлишига қарамай, тўловдан қочиб, ўз машиналарини бозорнинг яқинида, яъни 3- ва 4-кўпқаватли уйларнинг атрофига қўйиб кетишаркан. Бу ҳолат юзасидан 2006 йили фуқароларнинг мурожаатига кўра, Юнусобод туман ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими томонидан вазият ўрганилиб, қуйидагича хулоса берилган: «...Аризаларнинг юзасидан текширув ва суруштирув ҳаракатлари натижасида келтирилган важдар тўлиқ ўз тасдиғини топди. Уйлари-нинг олдида юзага келган салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ бошлиғидан ходим ажратиш тўғрисида илтимоснома, Юнусобод тумани ҳокимиятига бозорнинг жанубий томони, яъни 2- ва 3-уйлар томондаги дарвозаларни ёпиш, санитария ҳолатини сақлаш мақсадида туман санитария ва эпидемиология бўлимига ходим ажратиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Бозор атрофида жамоат тартибини сақлаш учун бозор ва «Ақбаробод» маҳалласи профилактика инспекторларига кўрсатмалар берилди».

Афуски, бу кўрсатмалар ижроси тўлиқ амалга оширилгани йўқ.

— Уйимизнинг атрофидаги чиқиндиларнинг бағбуй хиди одамнинг табиини хира қилади, — дейди 4-кўпқаватли уйнинг уйбошиси Мавлуذا Абдуллаева. — Уй олдида жойлашган болалар майдончаси бозорга келган машиналар турадиган жойга айлантирилган. Йўлаклар ва даракхлар атрофи бозорчилар томонидан ифлос қилинапти. Биз бу масалада кўп марта маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилдик. Лекин фойдаси бўлмади. Илгари, яъни 2003 йили мана шундай воқеадан сўнг йўлларга тўсиқлар қўйилган эди. Йўл патруль хизмати ходимлари бегона машиналарнинг уйлар атрофига қўйилмаслигини назорат қиларди. Шундан сўнг вазият бир оз яхшиланди-кандай бўлди. Бироқ кўп ўтмай назоратга ҳеч ким амал қилмай қўйди.

Биз «Ақбаробод» маҳалласи раиси Х.Именова билан суҳбатлашганимизда, у фуқароларнинг шикоят юзасидан бир неча марта тегишли ташкилотлар билан боғланиб, муаммони ечишга уринганини айтди. Унинг маълумотига кўра, 2- ва 3-кўпқаватли уй оралиғида жойлашган контейнер ва ҳожатхоналар аҳолининг талаб ва хоҳишига кўра олиб ташланган. Ҳозирда унинг ўрнида чиқиндилар ташланган жой қилинган. Бироқ унинг ён атрофига бозорга келган фуқаролар автотуловларини қўйишга эътибор берилмаган. Шу боис, уйбоши ва бошқа фуқаролар билан маслаҳатлашиб, кўчаларга тўсиқлар қўйишни режалаштирганини ва бу тез орада амалга ошишини айтди.

Ҳа, муаммо юзасидан фуқаролар йиғини раисининг ҳамда фуқароларнинг ўз қарашлари мавжуд. Бироқ бу ишга масъул ташкилотларнинг эътиборсизлиги оқибатида муаммо хали-ҳануз бар-тарafd этилган эмас. Уйлаймизки, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг соҳага масъул раҳбарлари фуқароларнинг хотиржамлигини бузаётган ушбу ҳолатга ўз муносабатини билдириб, масаланинг ижобий ҳал этилишига кўмаклашса, Юнусобод туманининг 3-мавзеси 3-, 4-кўп қаватли уйларида яшовчи аҳолининг ортиқча шикоятига ҳожат қолмасди.

Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ,
«Mahalla» муҳбири.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШНИНГ НАВҚИРОН АВЛОДИ

ТОШКЕНТДАГИ «Сағбон» спорт саройида кураш бўйича 13-14 ёшли ўғил ва қиз болалар ўртасида «Маҳалла» республика турнирининг финал мусобақалари бўлиб ўтди.



© фото-Носир Хайдаров

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш, дунёнинг ҳеч бир мамлакатидики қайд этилмаган уч босқичли спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», ва «Универсиада» спорт ўйинларининг жорий этилиши, ташкилот ва корхоналарда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини оширишга берилаётган эътибор, буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда эзгу ва хайрли ишларнинг самарали кечаётганини билдиради.

Ота-болаларимиздан мерос ўзбек миллий кураши ҳам айнан Муштақиллигимиз туфайли халқаро спорт тури мақомига эга бўлди. Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ташқи ва ички сиёсатдаги изчиллик натижасида миллий

кураш ҳам азалий қадриятларимиздан бири сифатида дунёга кенг ёйилмоқда. Африка, Америка, Австралиа, Европа ва Осиё қитъасининг 100 га яқин давлатларида кураш бўйича турли мусобақалар ўтказилди. Ушбу кураш тadbирлари орқали халқимизнинг минг йиллик анъанаву қадриятлари кенг тарғиб этилди. 2005 йили Лозаннадаги «Олимпия» музейида бир йил мобайнида курашнинг тарихи, бугуни ва келажигига доир кўргазма ўтказилди. Осиё Олимпия Кенгаши қарорига биноан ўзбек кураши Осиё ўйинларидан жой эгаллади.

Шу ўринда айтиш лозимки, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Маҳалла» паҳлавонлари турнирининг ҳам миллий ку-

рашимизни ривожлантиришдаги аҳамияти беқиёс.

Жорий йилнинг 16-18 сентябрь кунлари Тошкентдаги «Сағбон» спорт саройида жамғарма Раёсатининг қарори билан кураш бўйича 13-14 ёшли ўғил ва қиз болалар ўртасида «Маҳалла» паҳлавонлари республика турнирининг финал мусобақалари бўлиб ўтди.

Мусобақа ёшлар учун том маънодаги байрам. «Сағбон»даги бахслар нафақат байрамга, балки курашсеварларнинг катта сайлига айланиб кетди. Қўлдан бери дийдорлашмаган кураш мураббийлари, маҳалла фаоллари айнан шу ерда курашнинг бугуни, эртаси ҳақида, маҳаллалардаги ўзгаришлар тўғрисида дилдан сўхбатлашди.

— Очиғи, Тошкентга келмаганимга ҳам анча фурсат бўлган экан, — дея гап бош-

лайди қорақалпоғистонлик кураш мутахассиси Чоршам Тожмуродов — Шаҳар ақни шоширар даражада янада обод бўлибди. Ёш курашчилар билан пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик. Айниқса, янги бунёд этилган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи бизда жуда катта таассурот қолдирди. Турнир ҳақида шунини айтиш керакки, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан ушбу турнирнинг ташкил этилганлиги қувончли воқеа бўлди. Полвонлар курашида маҳалланинг асл чемпиони кашф этилди. Қорақалпоқ ёшларининг умум жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаши бизни беҳад қувонтирди. Спортчиларимиздан Қундуз Каримова, Баҳром Юлдошев, Жаҳонгир Озодов ва Сабоҳат Қозоқбоевалар ўз вазирларида совринли ўринларни эгаллади.

Икки кунлик мусобақалар якунига етди. Голиблар, совриндорлар аниқланди. Ўз вазирларида қорақалпоғистонлик Қундуз Каримова (44 кг), бухоролик Раул Орипов (46 кг), самарқандлик Шаҳноза Усмонова (48 кг) ва андижонлик Бозор Абдурахмонов (50 кг)лар олтин медалга сазовор бўлишди. Умумжамоа ҳисобида Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари 1-ўринни, Андижон вилояти 2-ўринни, Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг вакиллари эса 3-ўринларни эгаллашди.

«Сағбон»даги мусобақалар полвонларнинг навқирон авлоди вояга етаётганини кўрсатди. Келажакда улар орасидан олимпиада ва жаҳон чемпионатларида Ватан шаънини муносиб ҳимоя қиладиган спортчилар етишиб чиқиши шубҳасиз... Фақат уларни комил инсонлар этиб тарбиялашда мураббий ва мутахассислардан собиблик талаб этилади. Собитлик эса юртга садоқатдан бошланади.

«Маҳалла» паҳлавонлари республика турнирининг финал мусобақаларида спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги хузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар томонидан тасвир этилган совғалар билан тақдирланди.

Маросимда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси А.Алимов иштирок этиди.

Мухбиримиз

Дунёдан дараклар

Dell ўз заводини ёпди

АМЕРИКАНИНГ Dell компанияси Ирландиянинг Лимерике шаҳридаги заводини ёпди. Натижада 2400 нафар ходим ишсиз қолди. Куни кеча Еврокомиссия иш ўринларидан ажралган ушбу завод ишчилари учун 14,8 миллион евро маблағ ажратишга қарор қилди. Бу маблағ улар иш топгуналарига қадар компенсация сифатида берилди.

Лимерикега ташриф буюрган Еврокомиссия раиси Жозе Мануэл Баррозунинг айтишича, маблағ ажратиш тўғрисидаги қарор Европарламент ва ЕИнинг барча 27 аъзоси томонидан тас-

диқланиши керак.

Жорий йилнинг 2 октябрь куни Ирландияда Лиссабон шартномаси бўйича референдум бўлиб ўтди. Утган йилнинг июнида ўтказилган умумхалқ табирида мамлакат аҳолиси шартномага қарши овоз берган эди. Сיעсатчилар шу тadbир боис ЕИ ирландиялик ишчиларга «меҳрибонлик» қилипти дейишмоқда.

Ишчилар норози

ИСПАНИЯНИНГ шимоли-шарқда жойлашган Сарагоса шаҳрида бир неча минг киши норозилик намойиши ўтказишди. Reuters хабарига айтилишича, улар Opel корпорациясининг кўҳна қитъадаги корхоналари ёпилишига қарши норозилик билдиришган.

Яқинда компаниянинг 55 фоиз акциясини «Магна-Сбербанк» сотиб олди. Энди автогигант 10 минг нафар ишчини қисқартириши керак. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, фақат Германиянинг ўзида 4 мингта ишчи янги иш топиши лозим. Компаниянинг Антверпен (Бельгия) шаҳридаги заводи эса бутунлай ёпилади.

Сайлов арафасидаги хавотир

ЖОРИЙ йилнинг 18 сентябридан бошлаб Германия ҳудудида юқори даражада террорчилик хавфи борлиги эълон қилинди. Мамлакатнинг барча шаҳарларида алоҳида хавфсизлик чоралари кўрилган. Кўчаларда бронжоланган полициячилар билан кўрланган полициячилар навбатчилик қилмоқда.

Қоида” террорчилик гуруҳи қатор хунрезликларни амалга оширишни режа-лаштирган. Террорчилар Германия ҳукуматидан Афғонистондан ўз кўшинларини олиб чиқиб кетишни талаб қилишяпти.

Матбуот хабарларига қараганда, мамлакатда 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган сайлов арафасида «Ал-

ХВФ олтин захираларини сотмоқчи

ХАЛҚАРО Валюта Фондининг ижрочи дирекцияси ўз захирасидан 403 тонна олтин сотишга қарор қилди. Бу ҳақда душанба куни AFP хабар тарқатди. Мазкур қимматбаҳо металлнинг соти-

лишидан тушадиган маблағ камбағал давлатларга ёрдам бериш учун сарфланади.

Олтиннинг умумий баҳоси 13 миллиард доллар, деб баҳоланмоқда. ХВФнинг олтин захираларининг бир қисmini сотиш ҳақидаги қарор катта йигирмаликнинг жорий йилнинг апрель ойида Лондонда бўлиб ўтган йиллишида қабул қилинган эди.

Қарзи кўпайиб боряпти

ЖАҲОН банки Украинага 400 миллион доллар миқдорда имтйезли кредит бериш ҳақида қарор қабул қилди. Бу ҳақда банк томонидан тарқатилган матбуот хабарига айтилган.

Маълумки, Украина иқтисоди ҳозир жуда қийин аҳволда. Шунинг учун ҳукумат халқаро молиявий ташкилотларга кредит сўраб мурожаат қилган. Халқаро Валюта Фонди ўтган йили расмий Киев сўровига асосан 2009 йилда 16,5 миллиард доллар кредит

ажратиш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Жорий йилнинг сентябрь ойи ўрталарига келиб Украинанинг ташқи қарзи 100 миллиард доллардан ошиб кетди. Бу қарз миқдори ҳар чоракда 1,1 фоизга кўпайиб бормоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ

ТОШКЕНТДА КУЧЛИЛАР УЧРАШДИ

БУГУН Тошкентда, Ўзбекистон футбол федерациясининг стадионида республика «Маҳалла» жамғармаси томонидан ташкил этилган «Футболимиз келажаги» турнирининг 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасидаги финал мусобақалари бошланади.



Хабарингиз бор, жорий йилнинг 21-27 июль кунлари Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида «Футболимиз келажаги» турнирининг минтақавий босқич ўйинлари бўлиб ўтган эди. Ушбу бахсларда голибликка эришган Самарқанд шаҳрининг «Богйбалад Регистон», Навоий шаҳрининг «Бинокор», Фарғона вилояти, Марғилон шаҳрининг «Янги

ҳаёт» ва Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманининг «Белтепа» маҳалла жамоалари Тошкентда бош соврин учун кураш олиб боришади.

Турнирнинг голиб ва совриндорлари 24 сентябрда аниқланади.

Мусобақа ҳақидаги мақолани газетамизнинг кейинги сониде ўқийсиз.

Мухбиримиз

СУЛТОНОБОД СПОРТЧИЛАРИ

СУЛТОНОБОД қишлоғининг довруғи бу масканда туғилиб вояга етган эр йигитлар туфайли кенг ёйилди. Ҳозирда Султанонободни «Спортчилар қишлоғи», деб аташади. Бундан 45 йилча бурун жонқуяр мураббий Тайфиржон Каримов қишлоқда спорт тўғрагини ташкил қилганида, бир кун келиб шоғирлари етук спортчилар бўлиб етишишини орзу қилган бўлса, ажаб эмас.

Уша пайтдаёқ тажрибали мутахассис Т.Каримов жисмоний тарбия дарсларини кунг билан ўтар, ёшларни спортга тобора кенгроқ жалб этишга ҳаракат қиларди. Кейинчалик унинг ишларини шоғирди, бокс бўйича кўплаб мусобақалар голиби Солиқжон Сиддиқов давом эттириб, қишлоқда спортнинг ушбу турига қизиқувчилар сафини кенгайтирди. Халқ таълими аълочиси Т.Каримов ҳамда халқаро тоифадаги ҳакам С.Сиддиқовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қишлоқда йиллар давомида тўрт минг нафардан зиёд спортчи ёшлар етишиб чиқди. Уларнинг аксарияти республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда голибликни қўлга киритган.

Султанонободдаги спорт тўғрақларида шуғулланган йигитларнинг олти нафари бугун профессионал боксда ўз маҳоратини кўрсатмоқда. Улардан бири Зоҳиджон Худойбердиев ўтган йили ўз вазири бўйича WBC йўналиши бўйича Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари чемпионлигига сазовор бўлди. У ҳозиргача профессионал боксда тўққизта жанг ўтказиб, барчасида галабага эришган.

— Биз бундай ютуқлардан фахрланамиз, албатта, аммо ёшларимиз эришаётган муваффақиятлар залворининг янада орттишини истаймиз, — дейди қишлоқ фаоли Турсунбой Мамажонов. — Чунки фарзандларимиз улкан марраларни забт этишса, юртимиз шарафини бундан-да баландга кўтаришса, кўнглимиз тоғдек ўсади. Шу боис, қишлоғимизда спортни янада ривожлантиришга қаратилган маҳсус режа ишлаб чиқилиб, ёшларга қулай шарт-шароитларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ўзқобй САКСОНБОВ, «Mahalla» мухбири.

МУСОБАКА «ЁШЛИК»НИНГ ГОЛИБЛАРИ

ФАРҒОНАДАГИ Олимпия захиралари спорт коллежида турон миллий спортни бўйича Халқ таълими вазирлиги хузуридаги «Ёшлик» кўнглили спорт жамияти соврини учун 1996-1997 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақаларда мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидан келган 200 нафарга яқин ўғил-қизлар ўз вазирларида голиблик учун кураш олиб боришди. Мурасасиз бахслар натижасига кўра, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилояти жамоаларининг спортчилари биринчилиكنинг энг кўп совринли ўринларини эгаллашди.

— Ушбу биринчилик ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил этилди. Ниятимизга қайсидир маънода эришдик. Энг эътиборлиси, мусобақалар жараёнида фарғоналик минглаб маҳалла ёшлари турон спортчи жозибасини кузатиш орқали унга меҳр кўйишди. Ишонимизки, республика биринчилигидан кейин жойларда жисмоний тарбияга қизиқувчилар, спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони янада ортади, — дейди «Ёшлик» кўнглили спорт жамияти раиси ўринбосари Бахтиёр Ҳидоятлов.

НАВБАТ ХАЛҚАРО ТУРНИРГА

ҲАР қандай спортчи катта спортга одимни маҳалла остонасидан ташлайди. Таэквондо (ВТФ) бўйича ўсмирлар ўртасида икки қарра Ўзбекистон чемпиони, Чирчиқ олимпия захиралари коллежи талабаси Муҳаммаджон Собиржоновнинг спортга илк қадами ҳам ўзи туғилиб ўсган «Қобилбек» маҳалласидаги спорт майдонларидан бошланганди.

— 1992 йили Фарғона вилоятининг Қува-сой шаҳридаги «Қобилбек» маҳалласида туғилганман. 12 ёшимдан таэквондо (ВТФ) машғуллотларга қатнайман. Бу спорт турига қизиқишимнинг боиси, кўшнимиз Асилбек таэквондо билан шуғулланарди. Унга эргашиб спорт тўғрагига бора бошлаганман. — дейди Муҳаммаджон.

— Таэквондо оёқ зарбаларига бой спорт тури. Машғуллотларда бундай мураккабликлардан чўчимадимизми, — дея сўраймиз ундан.

— Таэквондо машқларини спортчилар зарур ҳимоя мосламалари ёрдамида ўтказишди. Илк машғуллотларда озгина ҳадиксираган пайтим бўлди, ростки. Кейин ўрганиб кетдим. Лекин ҳеч қачон кўркмаганман. Қолаверса, ўғил боламан-ку, — дейди у жилмайиб.

Саволларимизга бурро-бурро жавоб бераётган 17 ёшли бу йигитнинг ҳаракатларини кузатиб, хурсанд бўласан киши. Бугунги ёш авлоднинг ёрқин вакили. Талаба, спортчи, чемпион...

— Орзум, таэквондо (ВТФ) бўйича Олимпиада голиби бўлиб, Ўзбекистон байрогини баланд кўтариш. Ҳозир бутун эътиборимни шу мақсадга қаратганман, — деди Муҳаммаджон. — Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», деган сўзларини доимо қалбдан ҳис этаман. Бу дэвлатни биз ёшларга билдирилган ишонч ва ғамхўрлик, деб биламан. Батзида дадам, ойма ва устозларим билан бундан 20 йил олдинги аҳвол ва бугунги шарт-шароитлар ҳақида сўхбатлашиб қоламиз. Ҳақиқатан, биз ёшларга

мисли кўрилмаган имкониятлар яратилган. Замонавий ўқув бинолари, спорт мажмуалари. Чет элда ўқиб, халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиш. Бундай имкониятдан фақат унумли фойдаланмоғимиз, ота-онамизга, юртимизга муносиб фарзанд бўлмоғимиз лозим.

Шу кунларда мамлакатимиз ёш таэквондочилари жорий йил октябрь ойида Қозоғистонда ўтадиган халқаро турнирга қизгин тайёргарлик кўришмоқда. Ушбу турнирда юртимиз шарафини ҳимоя этадиган спортчилар сафиде Муҳаммаджон Собиржонов ҳам бор. Мураббийлари унинг иқтидорига катта ишонч билан қарашмоқда.

— Муҳаммаджоннинг техник имкониятлари юқори. Ўз тенгдошлари орасида билими, ҳаракатчанлиги ва таэквондо усулларини пухта ўзлаштирганлиги билан ажралади туради. Энг муҳими, галабага бўлган катта интилиш бор. Фақат унда халқаро спорт майдонлари-



нинг тажрибаси етишмайди. Ишонимизки, Қозоғистондаги мусобақалардан кейин унинг имкониятлари кенгайди, — дейди Чирчиқ Олимпия захиралари коллежининг таэквондо бўлими бош мураббийи Паҳлавон Собиров.

Умид билан экилан ниҳол, бир кун бўлар улкан бир чинор, дейди доно халқимиз. Муҳаммаджон ҳам келажакда юрт байрогини жаҳон спорт майдонларида, олимпиада ўйинларида баланд кўтарса, не тонг.

Т.РҲЗИЕВ, «Mahalla» мухбири.

ХАЛҚ ХУНАРМАНДИЛИГИ АНЪНАЛАРИ

«Устоз», «мураббий» тушунчалари гоёт кенг қамровга эга. Устоз сизга ахлоқ-одоб, ўқиш-ёзишни ёки шогирдликка олиб хунарни, касбу корини ўргатадими, бундан қатъи назар эъзоз хурматга муносибдир. Давраларнинг турли уларники, шогирдлар учун қўл қовуштириб уларга хизмат қилиш шараф. Тилимизда ҳам шунга монанд ибратли мақоллар, иборалар бор. «Устоз отангдек улур», «Шогирд фарзанддек азиз» сингари дил изҳорлари шулар жумласидандир.

Халқимизда азал-азалдан деярли барча соҳалардаги устоз-шогирдлик анъанаси меҳр-оқибатга қурилган. Устозлик мақомидаги киши ўзига ихлос қўйган ёш йигит-қизларга уйдан хужра ажратиб, йиллар давомида уларни тарбиялаган, қозон-товоғи, дастурхони битта бўлган. Шароит тақозо қилганда, шогирдини уйлаган, уйли-жойли қилган, фарзандларини ҳам бағрига босган. Гарчи ота-она фарзандини чексиз ишонч билан: «Эти сизники, суяги бизники», деб топширган бўлишса-да, устоз ҳеч нарса таъма қилмаган.

Шарқона устоз-шогирдлик анъаналари не-не синовларга дуч келмади, дейсиз. Бирок бу бебаҳо қадрият йўқолмади, авлоддан-авлодга, сулоладан-сулолага ўтиб яшайверди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Улмас қадрият сифатида қад ростлади, чин маънода ривож топди.


Дарҳақиқат, устоз ва шогирд тушунчасини ҳар қанча мухтасар қилиб изоҳламайлик, унинг таърифини бир мақолага сиғирдиб бўлмайди. Шу боис, халқимизнинг энг қадимий маданиятига дахлдор бўлган, ҳозирги кунда ҳам замонавийлик касб этаётган кулолчилик санъати йўналишида бардавом устоз-шогирд анъаналари хусусида сўз юритишни лозим топдик.

Ушбу маҳаллада лойдан турли буюмлар, санъат асарлари яратиш тарихи минг-минг йиллар қадимга бориб тақалади. Замонлар қанча эврилмасин, лойдан мўъжизалар яратиш тобора такомиллашиб келмоқда.

Маълумки, Ургут шаҳри Ўзбекистондан ташқарида ҳам хунармандлар макони сифатида машҳур. Шаҳардаги аксарият маҳалларда маълум бир соҳа билан шуғулланадиган хунармандлар истиқомат қилишади. Олайлик, Юқори Калонгар маҳалласида заргарлар, зардулар кўпчилиги тарихий асосан темирчилар, тунуқасозлар истиқомат қилишади. Худди шундай кулолчилик маҳалласи ўз номи билан кулоллар гузаридир.

«Маҳалла» жамғармасининг туман бўлини раис Олим Ҳошимовнинг изоҳлашича, ушбу маҳаллада лойдан турли буюмлар, санъат асарлари яратиш тарихи минг-минг йиллар қадимга бориб тақалади. Замонлар қанча эврилмасин, лойдан мўъжизалар яратиш тобора такомиллашиб келмоқда.

Узоқ таърибага эга бўлган Ургут кулолчилик мактабининг бугунги забар-



ҲУРМАТИ БАЛАНД, ҚАДРИ ЗИЁДА

ХАЛҚИМИЗДА азал-азалдан деярли барча соҳалардаги устоз-шогирдлик анъанаси меҳр-оқибатга қурилган

даст давомчиларидан бири «Ташаббус—2005», «Ташаббус—2009» республика кўрик-танловларининг ғолиби Нўмонжон Облоқуловдир. Нўмонжон Облоқуловдан хосроқ қулолчилик санъати арбоби, республика Рассомлар уюшмаси аъзоси Маҳкам бобо Облоқуловдан меҳор қолган устaxonа эшигини очиб турибди. Қадим усулда қурилган худмон, қўлда айлантйриладиган тош тегиримон ва бошқа асбоб-ускуналарни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб ишлатмоқда.

Устaxonада тайёрланаётган махсулотлар тури юздан ошади. Ранг берилмайдиган сув қўзалари, ичимликлар сақланадиган худмонлар, рангланадиган коса, товоқ, чойнак, пиёла, лаган ва бошқа буюмлар, эсалик совгалари ҳам худмонда пиширилади. Биргина буюртма билан ясаладиган тандирлар пиширилмайди, қуритилади, холос.

— Мана бу сандонини Германиядан келган меҳмон, кулоллар иши билан таниш бўлган Тимур В. Киреҳег ясаган, биргалликда ишлов берганидан, — дейди Нўмонжон, уртача ҳажмдаги идишни кўрсатиб. — Мана бунисини ҳиндистонлик, бунисини эса америкалик сайёҳлар билан бирга ясаганмиз.

Дарҳақиқат, хорижлик меҳмонлар тез-тез келиб турадиган бу хонадонда сулола удумлари, устоз-шогирд анъаналари салoқат билан давом эттирилмоқда. Нўмонжон ўзининг ота-боболари, узоқ аждоллари шарафлаб келган шажаранинг саккизинчи авлодига мансуб эканлигини айтади. Тарихий манбаб асосида тузилган, Ўзбекистон Республикаси «Хунарманд» уюшмаси Самарқанд жанубий минтақавий бошқармаси томонидан ташаббусланиб шажаранинг бошида Абдулла кулолнинг номлари турибди. У киши 1648 йилда туғилиб, 1735 йилда вафот этганлар. Эҳтимол, у кишининг ота-боболари ҳам кулол бўлишгандир. Абдулла кулолнинг ўғиллари Тўхтамиш кулол, у кишининг ўғиллари Тўқсон кулол... Шу тариха тўққизинчи ҳалқа кулоллари Ифъомжон ва Муҳаммадхон ҳам оталари Нўмонжон устозлигида бобоқалонлари касбини ардоқлашмоқда.

Ун саккиз ёшни қаршилаган Муҳаммадхон шажара давомчиси сифатида оилавий касбини шарафлашни бурчи, деб билади. Замонавий билимларни, касбларни эгаллаш, жаҳонга чиқиш ўз йўлига, бироқ ота касбини ҳам қўлдан қўймайлик кераклигини айтади. Ундан қулол аркан етadиган, жамоа бўлиб ясалган улан лаганини, ичига одам бемалол жойлаша оладиган худмоннинг бу қадар тиниқ рангларда хиллаланиши, камалатдек товланиши сирларини сўрадик. У шундай жавоб қайтардики,

очиғи, лойга жон киритадиган кулолчилик касбининг сир синопатлари бисёрлигини яна бир қарра англагандек бўлди.

Суяги устaxonада қотган ёш кулолнинг изоҳлашича бундай қулол, аввало, маҳаллий хом ашёнинг сифати юқорилигидандир. Яна бир сабаб бўёқларнинг Ургут тоғларидаги турли ранггаги тош, темир, мис сингари жисмлар куқунлардан тайёрланаётганида экан. Бундай ранглар ўсимликлардан олинган, кимёвий усулда тайёрланган бўёқларга нисбатан аълолиги билан ажралиб туради. Вақт ҳукми тош рангларнинг оҳорини тўкишига қодир эмас экан. Кулол ўз фикрини уй музейида сақланаётган, бундан 57 йил муқаддам бобоси томонидан ясалган лаганининг яқинда рангланадиган ялтйраб туриши билан далиллайди.

Хунарларнинг аксарият босқичлари ўзига хос жиҳатларига эга. Масалан, махсулотни тайёрлаш, оби-тобига келтириш жараёни узоқ давом этиши, ойлаб, йиллаб чўзилиши, бир юмушда кўпчиликнинг бир пайтда ҳаракат қилиши, кундуз оқшомларга уланб кетиши мумкин. Шундай сабабларга кўра, устоз-шогирдлик кўпинча оилавий, яқин қариндошлар, қўни-қўшнилар, ихлос биланд кишилар даврасида давом этади. Хунарга қизиққанлар шогирд тушиб, оилага сингишиб кетаверади. Марҳум Зиёдулла кулол, Соли кулол Маҳкам бобо оиласи мак-

табида тобланиб, ўзлари ҳам устозлик даражасига етишишган экан. Зиёдулла Каримов Самарқанд яқинидаги Чумчуқли қишлоғидан бўлиб, ночор аҳволда яшаган. Унинг ихлосини сезган Маҳкам бобо уйига олиб келган, тарбиялаган, касби сирларини ўргатган, уйлантириб, уйли-жойли қилган. Вақти келиб Зиёдулла ўз қишлоғида устaxonа очган, шогирдлар тайёрлаган. Толлибой кулол ҳам шу тариха қамолга етиб, қўшни Тожикистонда мактаб очган. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Маҳкам бобонинг элга кулол бўлиб танилишида, оиласи шуҳратининг ошишида турмуш ўртоқлари, тикувчилик, зардўзлик касбини санъат даражасига кўтарган, ўнлаб шогирдлар етиштирган Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси Саҳобат ая Раҳматуллаеванинг хизматлари катта бўлган. Турмуш ўртонининг касби мураккаб, ижодий иш эканлигини яқин анлаган ая, у кишига яқиндан ёрдам берган, илҳом бахш этган.

Оилада ўзига хос ижодий беллашув муҳитини яратиш мақсадида каштачилик, зардўзлик ривожлантирилган. Биргина оиладан қизлари Гулнора, Дилбар, Феруза, Нодира, Моҳираларни, келинлари Маҳбуба, Шоҳида, Кубарроларни чевар каштачи, зардўзлар қилиб етиштирган. Келини Кубарро республика «Ташаббус—2000» кўрик-танловида 2-ўринни эгаллаган. Бир оиладан тўрт кишининг рассомлар уюшмасига аъзо бўлишида ҳам онахоннинг хизматлари катта бўлгани шубҳасиз.

Хуллас, устоз-шогирдлик анъаналари азалий қадриятларимиздан ҳисобланади. Уни қадрлаш, давом эттириш, бойитиш авлодлар зиммасидадир. Буни ихлос, эътиқод билан амалга ошириш учун эса ўтмишга бир назар ташлаб қўйсак фойдалан холи бўлмайди. Ёлимиздан чиқарилган керакки, мустабил замонада устоз-шогирд муносабатларини сақлаб қолиш армонли орзумизга айланган эди. Бешик эскилик сарқити, қоқоқлик белгиси, деб қораланди, бешиксизнинг боши эгилди. Чопон, яқтак, салла динсиз — атеистлар қаҳрига учради, тикувчининг қўли қайриди, шогирдлари ёппасига комсомолга аъзо қилинди. Кулоллар, чилангарлар, ширапазу новвойлар, қўйингки, барча хунарманд, касаначилар бозордан ҳайдаб солинди. Оддий ўқлову кетмон дастаси ҳам узоқ ўлкаларда келтирилди. Бундай сийёбатнинг таг заминиди қандай ниятлар яширин эканлигини ҳеч ким юрак ютиб айта олмади. Бугунги дорилоним кунларда ўша қора дамларни унутиб бўладими?

Мустақиллик Ўзбекистонни имкониятлар мамлакатига айлантирди. Орзулари ушалаётган авлодлар буни қадрлаб олишлари зарур. Аждолларнинг эзгу ишларини давом эттириш ҳамма замонларда ҳам барҳаёт кишилар зиммасидадир.

Ўқтам ҚУРБОНОВ, «Mahalla» мухбири.

ХИКМАТ БУРЧ ПУЛГА СОТИЛМАЙДИ

ИЛК баҳор кунлари. Тоғлардан эриган қор сувлари пастга шиддат билан оқиб тушмоқда. Дарё кўпригининг ўртасидаги кичкина бир уй ичида кўприк қоровули ва унинг шажардан келган хотини, иккита боласи суҳбатлашиб ўтиришарди.

Шу пайт ҳар томондан:

— Қоровул, тезроқ бўл, ўзингни ва оилангни ҳалокатдан қутқаз! — деган товушлар эшитилди. Сел ва тўққинлар кўприкдан ошиб, қоровулнинг уйи атрофини емира бошлади. Қоровул уйчасининг томига чиқиб:

— Бизга ёрдам қилинг, ёрдам! — деб қичқирди.

Бир чол:

— Улар ҳозир ҳалок бўлади. Уйча ағанай деб турибди, нега қараб турибмиз? Бирор мард йигит борми? — деб бақирди. Шу яқин атрофда турган бир йигит чолнинг сўзларини эшитиб, отилиб ўртага чиқди. Сўнг дарё қирғоғидаги кичкина бир қайиқчага ўтириб, шиддат билан оқиб турган селда кўп машаққатлар чекиб, уйчанинг ёнига етиб келди. Аввал қоровулнинг икки боласини қайиқчага ўтқазиб, соҳилга етказди. Сўнг яна кўп машаққатлар тортиб, қоровул ва унинг хотинини ҳам олиб чиқди.

Ҳамма шодланиб, олийжаноб йигитни олқишлаб, миннатдорчилик билдирди. Қоровул ва хотини кўларидан севинч ёшларини тўқдилар, жасур йигитни тахсинлар айтдилар.

Воқеани қўриб турган бир киши жасур йигитни мукофотламоқчи бўлиб:

— Раҳмат, олийжаноб йигит, қилган одамгарчилигинг, яқши хизматинг учун мана бу мукофотимни қабул қил, — деб унинг қўлига пул узатди.

Йигит мукофотни қабул қилмай:

— Илтифотингиз учун раҳмат, мен мукофот олиш учун эмас, виждон амри билан инсоний бурчимни адо этдим. Бурч пулга сотилмайди. Менга берадиган пулингизни қоровулга берсангиз, хурсанд бўламан, чунки у рўзгордаги ҳамма нарсаларини бой берди. Ҳозир ўзгаларнинг ёрдамига муҳтож, — деди.

Ҳамма йигитга қойил қолиб, офарин айтди.

Б.БОБОЕВ тайёрлади.

ХАНДАЛАР
➤ **Камтар**
— Дунёда иккита яқши одам бор, биттаси сиз. Иккинчиси ким?... қани айтиб юборинг.
— Иккинчисини ҳам ўзингиз айтмайсизми?
— Менми?.. Йўғ-с... Ўзим айтсам нокамтарлик бўлар.
➤ **Тезамкор**
— Тезамкорлигимга қойил қолинг, дадаси, — деди аёл эрига.
— Эски қўйлагимдан сизга галстук тикиб қўйдим.
— Мутлақо қойил эмасман. Агар менинг эски галстугимдан ўзингизга қўйлақ тикиб олганингизда қойил қолардим, — жавоб берди эр.
➤ **Чекиш зарар**
Врач беморга ўқтирди:
— Сизга чекиш мутлақо мумкин эмас. Умуман, ҳамма учун ҳам чекиш жуда зарарли. Маслаҳатим, албатта чекишни ташланг.
— Хўп бўлади.
Бемор эшик томон юрган эди доктор уни тўхтатди:
— Битта чекириб кетинг.
Ҳабиб СИДИҚ

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

ҚЎШНИМНИНГ АНЖИРИ

ҚАЙСИ кўни ҳамкасбимиз Замира опа олиб келган анжир мураббосини қўриб бир воқеа эсимга тушди.

Бу воқеага унча кўп бўлгани йўқ. Анжир фарқ пишган маҳаллар эди. Ишга сал кечроқ чиқдим. Ишхонам маҳаллада жойлашган. Йўлда бир аёлнинг бақир-чақирини эшитиб қолдим. Ҳамкасбимиз Замира опанинг уйи олдиди унинг қўшини Ҳолида опа тўплон кўтарар, бу оила шаънига қаттиқ-қарим гапларни айтиб, ҳақоратлар эди.

— Ҳей, яшшамагур чўлқ (Замира опа хиёл оқсарди)! Олдинлари болаларинг ўғирлик қилавериб жонимга тежанди, энди келинингда ҳам қинғирликни ўргатибсан-да?! Бировнинг ҳақини егандан кўра, ҳар нарса бўлгани яқши! Боқолсанг кўпайтиргинда, бу итваччаларингни!

Афтидан кўни-қўшнилари Ҳолида опанинг феълини билганидан, жанжалга аралашиммас, у эса, борган сари жазавога тушарди.

Замира опа билан бир жойда ишлайман. Бамаъни аёл. Болалари ҳам эсли-хушли. Улар ҳақида шу пайтгача ёмон гап эшитмагандим. Нима бўлганини билиш учун ҳамкасбимнинг ҳовлисига кирдим. Ҳовлида ҳеч ким кўринмасди. «Ким бор?», деб чақирдим. Ҳеч ким жавоб бермади. Замира опа ишда, болалари ўқишда бўлса керак. Шу пайт ичкаридан аёл кишининг пиқ-пиқ йиғлаган товуши эшитилди. Кирсам, опанинг келини — Дилноза. У хонтахтага бошини қўйиб хўрсиниб-хўрсиниб йиғларди. Келининг ой-кўни яқин, ишга асабийлашни мумкинмас. Тинчлантиришга ҳаракат қилиб, нима гаплигини сўрадим.

— Ҳолида опанинг ҳовлисидаги анжир дарахти шоҳлари паҳса девордан ошиб бизникига ўтган, роса мева солганди. Анжир пишмасдан бурун шоҳларни арқон билан ўзлари томонга тортирдилар. Шунда ҳам буй берманган шоҳларнинг меваларини пишиб етилгандан сўнг, ҳовлимизга ўтиб тегиб олиб кетдилар. Бугун ҳовли сураётим, энг тепа шохда қолган икки дона анжирга қўзим тушди. Жуда егим келди. Курсига чиқиб, энди узмоқчи бўлиб тургандим, Ҳолида опа келиб қолди. Сўрамай олганим менинг хатоим, аммо туғилмаган боламини нега қарғайди?!

Дилнозага одам кексайганда кўнгли

нозик бўлиб қолишини, бундай пайтда феълни кенг қилиш кераклигини тушунтирдим. Одатда, ҳомиладор аёл эҳтиёт қилинади, хотири ҳам, соғлиги жойида бўлиши учун қайғурилади. Мақсад — авлодимиз бардавонлиги, насл тозаллиги учун боланинг тўртмунча соғлом бўлиб туғилишидир. Бу азалий қадриятларимиз замирида бир-бирова ҳурмат, аҳил кўшичилик, қувончу қайғуда ҳамдам бўлмоқликдек инсоний фазилатлар ётади. Чунки халқимиз азалдан бир майизни қирқ бўлиб ейти, узоқдаги қариндошдан кўра яқинидаги оқибатли қўшинини афзал билади. Ана шундай хушфеъл элимиз орасида Ҳолида опадек тажанг аёлларнинг учраши эса, доно халқимизнинг шодли курмақсиз бўлмайди, деган мақолини ёдга солиди.

— Эй, уни гапирманг, — деди менинг гапларимни эшитган яна бир ҳамкасбим Соҳиба опа. — Бадфеъллигидан келиндари билан яшолмади. Биласиз, маҳаллада яраштириш комиссияси аъзосиман. Ҳолида опанинг кичкина келини кетиб қолганда раисимиз, маслаҳатчимиз, нозиримиз, маҳалла фаоллари билан келини олиб келдик. Ҳаммамизни ҳақоратлаб, ҳайдаб солди. Келининг дадаси: «Қизимнинг гапларига ишонмасдим, ҳақиқатини энди билдим. Бундай оилага ташлаб қўядиган қизим йўқ», деб фарзандини олиб кетди.

Бу воқеадан сўнг бир неча кун ўтди. Дилноза паҳлавондай ўғил кўрди. Қиш кунларининг бирида ишдан қайтиб келаётсам, кўчада югур-югур, қий-чўнинг устидан чиқиб қолдим. Матлум бўлишича, Ҳолида опанинг уйда печканинг носозлиги туфайли учкун чиқиб, том ёна бошлади. Бундан хабар топган қўшнилари ўт ўчирувчилар етиб келгунга қадар олов авж олиб етмасин, деб ўтти ўчириш пайига туши-

шибди. Тилсиз ёв билан аёвсиз олишадиган ҳамжиҳат маҳалла аҳлини кузатар эканман, томда Дилнозанинг эри Собиржонга кўзим тушди. У ёнаётган тахтаю шиферларни чопар, пастга улоқтирар, жон-жаҳди билан оловни ўчиришга ҳаракат қиларди. Яқиндаги на кўзи ёриган Дилноза ҳам челақда сув таширди.

Анжир дарахти тагида ўтирган Ҳолида опа атрофта алангар, одамларга жавдираб қарарди. У ўзининг қилмишларидан уялганиданми, уйи ёнаётганиданми, кўрс муомалаларига қарамай маҳалладошларининг бир тан бир жон бўлиб олов билан олишадиганидан тасирланибми, унсиз йиғларди...

Ёнидан келган зарарни қоплаш учун маҳалла аҳли опага катта моддий ёрдам кўрсатди. Қишнинг аёзли кунлари бўлишига қарамай, ҳашар йўли билан уйини таъмирлаб беришди...

Замира опа кеча уйларига Ҳолида опа келиб, анча вақт суҳбатлашиб ўтириганини, ўзи олиб келган анжир мураббосини қўярда қўймай ташлаб кетганини кулиб-кулиб гапирарди.

Юлдуз ҲОЖИЕВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита таниқли дин арбоби **Фозилжон СОБИРОВ**нинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига қўқур ҳамдардлик изҳор этади.